

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНҚУЛОВ ҲУСНИДДИН ПИРИМОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОИЙ ҒАЗАЛИЁТИДА ИШҚ ПОЭТИКАСИНING
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ
(“Ҳазойин ул-маоний” мисолида)**

10. 00. 02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Докторлик диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской диссертации

Content of the abstract of doctoral dissertation

Эшонкулов Хусниддин Пиримович

Алишер Навоий ғазалиётидаги ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Хазойин ул-маоний” мисолида)..... 3

Эшонкулов Хусниддин Пиримович

Сопоставительно-типологический анализ поэтики страсти в поэзии Алишера Навои (на примере произведения “Хазойин ул-маоний”) 35

Eshonkulov Khusniddin Pirimovich

Comparative-typological analysis of love poetics in Alisher Navoi’s ghazals (In the example of “Khazayin ul-maoniyy”)..... 67

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 72

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШОНҚУЛОВ ҲУСНИДДИН ПИРИМОВИЧ

**АЛИШЕР НАВОЙИ ҒАЗАЛИЁТИДА ИШҚ ПОЭТИКАСИНИНГ
ҚИЁСИЙ-ТИПОЛОГИК ТАҲЛИЛИ
(“Ҳазойин ул-маоний” мисолида)**

10. 00. 02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2020

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.1.DSc/Fil102 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасининг www.samdu.uz ҳамда "Ziyouet" ахборот-таълим портали www.ziyouet.uz манзиллариغا жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:

Муҳиддинов Муслиҳиддин Қутбиддинович
Филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Эркинов Афғондил Садирхонович
Филология фанлари доктори

Қобилов Усмон Уралович
Филология фанлари доктори

Фонда Топрак
Филология фанлари доктори, профессор

Етақчи ташкилот:

Ўзбекистон Республикаси ФА Ўзбек тили,
адабиёти ва фольклори институти

Диссертация ҳимояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил "___" _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтди. Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Бош ўқув биноси, 105-хона.

Диссертация билан Самарқанд давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишниш мумкин (___ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил:140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиебони, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2020 йил "___" _____ куни тарқатилди.
(2020 йил "___" _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)



Ж.Хамроев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш раиси ўринбосари,
филол. ф.д.

А.Б.Парлаев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш котиби, филол. ф.д.

Б.Йўлдошев
Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги семинар раиси,
филол. ф.д., профессор

КИРИШ (докторлик (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида ишқнинг бадиий-тасаввуфий талқини, инсоният маънавий камолотини таъминлашдаги маърифий-тарбиявий ўрни ва аҳамияти, унинг мусулмон минтақа халқлари адабиётининг жаҳоний мавқе касб этишида сезиларли ҳисса қўшган муайян мутафаккир шоирлар шеъриятида янада бадиий такомиллаштирилгани билан боғлиқ поэтик қонуниятлар, эстетик тажрибалар шарқшуносларнинг доимий диққат марказида бўлиб келган. Бу эса тасаввуф адабиётида ишқ талқини анъанаси муаммоларини бадиий-фалсафий аспектларда ечиш, унинг майдонга келиши ва тараққиёт мезонлари, муайян шоир ижодидаги поэтик такомил белгилари, типологик ва специфик хусусиятларини бугунги глобаллашган илмий-назарий тафаккур сатҳида аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Дунё адабиётшунослигида жаҳоншумул ижодкорлар асарларидаги юксак инсоний ғояларнинг рамзий-тимсолий ифодасини жаҳон адабиёти контекстида қиёсий-типологик ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Бу жиҳатдан умуминсоний миқёсдаги ижодкор сифатида тан олинган муайян шоир асарларининг жаҳон бадиий тафаккури тараққиётидаги ўрнини, уларда ислоний-тасаввуфий ғояларнинг шарқона бадиият мезонлари негизида берилишини аниқлашдолзарб вазифалардан биридир. Бу эса бадиий ижодда ишқ талқинига бағишланган ҳар бир асарнинг ирфоний мазмун-моҳиятини, эстетик аҳамиятини, композицион ва лингвопоэтик, анъанавий ва новаторона услубий хусусиятларини чуқурроқ очиш имконини беради.

Мамлакатимиз мустақиллиги миллий меросимиз, номи дунёга танилган буюк аждодларимизнинг бой адабий-илмий меросни янада кенг кўламда тадқиқ ва ташвиқ қилиш имкониятини кенгайтди. Бунинг натижасида халқимиз ифтихори Алишер Навоий ижодиётининг тасаввуфий қирраларини янада чуқурроқ ўрганишга янада кенг йўл очилди. Асрлардан-асрларга ўтиб келаётган навоийшунослик тарихи янги ўзанларда ривожланмоқда. “...Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор экани, буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт ва маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”лиги¹ бугунги адабиётшунослигимизда Алишер Навоий асарларининг илоҳий-ирфоний, тасаввуфий манбалари таснифи, нашрлари, контекстуал таҳлили, тарихий-биографик, қиёсий-тарихий, қиёсий-типологик тадқиқи борасида эришилган ютуқларимизни янада кўпайтириш вазифасини қўймоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сонли, “Ўзбекистон республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

¹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

тўғрисида”ги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармонлари; “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли, “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида “Ижод” фондини ташкил этиш тўғрисида”ги 2010 йил 26 февралдаги ПҚ-1292-сонли, “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сонли, “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 20 апрелдаги ПҚ-2909-сонли, “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”ги 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи.² Адабий манбашунослик ва матншунослик, уларнинг контекстуал таҳлилининг назарий ва амалий принциплари асосида ижодкор ҳаёти ва адабий мероси манбаларининг қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, биографик тадқиқи муаммолари бўйича жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Istanbul Üniversitesi (Туркия), Балх давлат университети (Афғонистон), University of Washington Press (АҚШ), Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти, Қозон давлат университети, Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Озарбайжон Миллий Фанлар академияси қўлёзмалар институти (Озарбайжон), Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети, ЎзР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Ўзбекистон халқаро ислом академияси, ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи ва Самарқанд давлат университети (Ўзбекистон)да илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳон адабий манбашунослиги ва матншунослигида Алишер Навоий адабий мероси, хусусан, дostonлари ва ғазалларини ўрганишга йўналтирилган тадқиқотлар натижасида бир қатор, жумладан, қуйидаги

²Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://litva.info.Book.page-75>, <https://bulletin-history.kaznu>; https://scribble.su/school_literature; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, www.ivran.ruhttp://elm/az/http://elm/az/, www.navoiy-uni.uz; Edward ALLWORTH. Uzbek literary politics. – London-Paris, 1964. – P. 29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk ili: Turkistan ve yakın tarihi. – Istanbul, 1981. – B.501; Janos Eckmann. Harezmi, kıpçak ve çagatay türkçesi üzerine araştırmalar. – Ankara, 1996. – B.209; Philologiae turcicae fundamenta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965.

илмий натижалар олинган: шоир биографияси, асарларининг таркибий тузилиши ҳақидаги маълумотлар умумлаштирилган, асарлари Ўзбекистондаги нашрлари асосида таржима қилиниб, тўплам ҳолида нашр этилган (Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия), (Z.Bünyadov adına Şərqşünaslıq İnstitutu (Ozarbayjon), шоир лирикаси таҳлил қилинган (University of Washington Press (АҚШ), Istanbul Üniversitesi (Туркия), Humbolt University of Berlin (Германия), адабий манбалардаги матн тарихи ва талқинига муносабат масаласида янгича методологик ёндашувлар тизими белгиланган University of Amsterdam (Нидерландия), (Россия Фанлар академияси Шарқшунослик институти (Россия), Қозоқ миллий университети (Қозоғистон), Қирғиз миллий университети (Қирғизистон), Istanbul Üniversitesi (Туркия), мумтоз адабий манбаларга оид тадқиқотларнинг илмий-танқидий матн асосида фундаментал тадқиқот даражасига етиши асосланган (Istanbul Üniversitesi (Туркия), Тошкент давлат шарқшунослик институти, ЎЗР ФА Ўзбек тили, адабиёти ва фольклори институти, ЎЗР ФА Алишер Навоий номидаги давлат адабиёт музейи, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети.

Дунё адабий манбашунослиги ва матншунослигида мумтоз адабий манбаларни яхлит тизимли ўрганиш бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: муайян асар матни тарихи ва матн таҳрири муаммоси; шоир ижод лабораторияси; адабий асарнинг китобат тарихи; қўлёзма манбаларнинг қиёсий-матний таҳлили; муайян бир асарнинг илмий-танқидий матнини тузиш.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунё адабиётшунослигида тасаввуфий адабиёт муаммолари Ҳ.Риттер, Л.Массигнон, Ж.С.Тримингэм, А.Шиммел, А.Зарринқўб, М.А.Жўшон сингари адабиётшунос ва шарқшунослар томонидан ўрганилган бўлса-да, бироқ бу тадқиқотчилар, асосан, араб ва форс тилли муаллифлар асарларига таянганлар³. XIX – XX асрларда рус шарқшунослигида Алишер Навоий шахсияти ва ижодига алоҳида қизиқиш яққол кўзга ташланди. Рус шарқшуносларидан М.Никитский, В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, А.Якубовский, А.Болдиревларнинг салмоқли тадқиқотлари яратилди⁴. Бироқ Алишер Навоийнинг ирфоний-тасаввуфий карашларига холисона баҳо беришга уриниш Е.Э.Бертельс⁵ тадқиқотларидагина кўзга ташланади.

Ўзбек навоийшунослиги собиқ иттифоқ йилларида А.Саъдий, Ойбек, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, И.Султон, Н.Маллаев, А.Қаюмов, С.Ғаниева, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, А.Рустамов, Ё.Исҳоқов сингари олимлар меҳнати туфайли янги поғонага кўтарилган бўлса-да, бироқ Навоий

³Қаранг: Хорижда тасаввуф таълимотининг ўрганилиши. Талқин ва таржималар муаллифи Қ.Исмоилов. – Тошкент: “Mumtoz so’z”, 2008.

⁴Қаранг: Халлиева Г.И. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи: Филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.

⁵Бертельс Е.Э. Избранные труды: Навоий и Джами. – Москва: “Наука”, 1965; Суфизм и суфийская литература. – Москва: “Наука”, 1965.

ижодининг тасаввуфий моҳиятига холисона ва етарли баҳо берилмади⁶. Проф. А.Саъдийнинг⁷ бу борадаги уринишлари эса ўша давр мафкураси тақозосига кўра адабиётшунос О.Шарафиддиновнинг танқидига учради⁸. Академик В.Зоҳидовнинг “Улуғ шоир ижодининг қалби” номли монографиясида бошқа муаллифларга нисбатан Навоийнинг тасаввуфга муносабати кенгроқ ёритилган бўлса-да, бироқ ундаги кўпгина фикрлар “социалистик мафкура таъсирида айтилган бўлиб, кўпроқ Навоийни тасаввуфдан, идеализмдан ажратиб олишга ва материализмга мансуб этишга қаратилган”⁹.

Тасаввуф ва тасаввуф адабиётидаги илмий-маърифий қарашлар ва унинг ўзбек мумтоз адабиётидаги бадиий талқини масалалари ҳақида ўзбек адабиётшунослигида маълум даражада фикр билдирилган. Истиклол йилларида илмнинг бу соҳасида бир қатор тадқиқотлар юзага келди. Жумладан, Б.Валихўжаев, А.Ҳайитметов, Н.Комилов, Р.Воҳидов, Ҳ.Неъматов, М.Маҳмудов, И.Ҳаққулов, С.Ҳасанов, Ҳ.Қудратиллаев, М.Муҳиддинов, М.Имомназаров, А.Қуронбеков, С.Ҳасанов, А.Абдуқодиров, Д.Салоҳий, Н.Жабборов, С.Олимов, Н.Жумахўжаев, Ш.Сирожиддинов, Ш.Ҳайитов, К.Муллахўжаева, У.Қобилов, У.Жўрақулов, Д.Юсупова, Ҳ.Эшонқулов, Н.Бекова, М.Ражабова, Н.Бозорова, З.Мамадалиева, З.Амонова, О.Давлатов, М.Асадов, Р.Жумаев, З.Ғаффорова каби адабиётшунос олимларнинг илмий тадқиқотлари, асарлари бунга мисол бўла олади¹⁰.

⁶Қаранг: Саъдий А. Символизм тўғрисида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1932; Ойбек. Навоий гулшани.

– Тошкент: Бадиий адабиёт, 1967; Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 1970; Абдуллаев В. Навоий Самарқандда. – Тошкент: Бадиий адабиёт нашриёти, 1968; Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. – Тошкент: Ғ.Ғулом, 2010; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1974; Қаюмов А. Алишер Навоий. – Тошкент: “Ёш гвардия”, 1976; Ғаниева С. Алишер Навоий. – Тошкент: Фан, 1962; Ҳайитметов А. Навоийнинг ижодий методи масалалари. – Тошкент: Ўзфанакаданашр, 1963; Шу муаллиф. Навоий лирикаси. – Тошкент: “Фан”, 1961; Абдуғафуров А. Навоий ижодида сатира. – Тошкент: “Фан”, 1972; Рустамов А. Навоийнинг бадиий маҳорати. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1979; Исҳоқов. Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Тошкент: “Фан”, 1965; Шу муаллиф. Навоий поэтикаси. – Тошкент: “Фан”, 1983.

⁷Саъдий А. Символизм тўғрисида. – Тошкент: Ўздавнашр, 1932. – Б. 112.

⁸Шарафиддинов О. Танланган асарлар. – Тошкент: “Фан”, 1978. – Б. 182.

⁹Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент: 1998. – Б: 4.

¹⁰Қаранг: Валихўжаев Б. Мумтоз сийсолар. I жилд. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002., Шу муаллиф: Мумтоз сийсолар. II жилд. – Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002; Ҳайитметов А. Навоийхонлик суҳбатлари. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1993, Шу муаллиф. Темурийлар даври ўзбек адабиёти. – Тошкент: “Фан”, 1996.; Комилов Н. Тасаввуф. – Тошкент: “Мовароуннахр” – Ўзбекистон, 2009. Шу муаллиф. Хизр чашмаси. – Тошкент: “Маънавият”, 2005. Маънолар оламига сафар. – Тошкент: TAMADDUN, 2002; Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. – Бухоро: “Бухоро”, 1994 Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: “Ёзувчи”, 2001; Vohidov R., Eshonqulov H. O'zbek mumtoz adabiyoti tarixi. – Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Yozuvchilar uyushmasi Adabiyot jamg'armasi nashriyoti, 2008. – Б. 197-438; Ҳаққулов И.Ч. Ўзбек тасаввуф адабиётининг шаклланиши ва тараққиёти: Филол. фанлари докт. дисс. – Тошкент: 1995., Ҳаққулов И. Тасаввуф ва шеърят. – Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991., Шу муаллиф. Тасаввуф сабоқлари. – Бухоро: “Бухоро”, 2000; Навоийга қайтиш. – Тошкент: “Фан”, 2007., Тақдир ва тафаккур. – Тошкент: “Шарк”, 2007; Ҳасанов С. Навоийнинг етти тухфаси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1991; Қудратуллоев Ҳ. Навоийнинг адабий-эстетик қарашлари. – Тошкент: 77 нашр, 1991; Муҳиддинов М. Комил инсон – адабиёт идеали. – Тошкент: “Маънавият”, 2005; Имомназаров М. XXI аср. Навоийшуносликка кириш. Тошкент: ТДШИ, 2018; Қуронбеков А. Ҳофиз ғазалиётида маънолар силсиласи. – Тошкент: “Фан”, 1994; Қуронбеков А. Ҳофиз асрорининг етти пардаси. – Тошкент: ТДШИ, 2009; Қуронбеков А. Алишер

Ишқ ғоясининг тасаввуфий адабиётда, хусусан, Алишер Навоий ижодида тутган ўрни ва поэтик тадрижий талқини ҳақида мазкур ишларда маълум ўринларда ва маълум маносабат билан фикрлар билдирилган, холос. Бу масала Навоийнинг ўзбек тилидаги ошиқона ғазалларининг улуғ шоирнинг бошқа асарлари ва салаф шоир Ҳофиз ғазалиёти билан қиёсий-типологик аспектда яхлит илмий-монографик тадқиқот доирасида ўрганилмаган. Бу эса навоийшунослик соҳасида хали ўрганилмаган қирралар борлигидан далолат беради.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Бухоро давлат университети “Ўзбек адабиётининг долзарб муаммолари” мавзусидаги тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Алишер Навоий ижодида ишқ талқинининг ўрни, анъанавийлиги, тасаввуфий моҳияти, шаклий-услубий ва бадий образлилик хусусиятлари, лингвопоэтик воситаларини “Ҳазойинул-маоний” девонидаги ошиқона ғазаллар билан Ҳофиз Шерозий ғазалиётининг типологик қиёсий асосида аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Алишер Навоий шеърятдаги ишқ ғояси талқинининг анъанавийлигини, исломий манбалари ва тасаввуфий илдизларини аниқлаш;

Навоий “Хамса”си уммонидан катралар. – Тошкент: ТДШИ, 2017; Абдуқодиров А. Тасаввуф ва Алишер Навоий ижодиёти (Ваҳдат ул-вужуд проблемаси бўйича). Филол. фан. докт. дисс. – Тошкент: 1998; Салоҳий Д. Навоий насрида тасаввуф. – Самарқанд: СамДУ нашри, 1995. Шу муаллиф. Хуррият ҳарорати. – Тошкент: “Фан”, 2007; Тасаввуф ва бадий ижод. – Самарқанд: Самарқанд давлат университети, 1995; Жабборов Н. Маърифат надир? – Тошкент: “Маънавият”, 2010; Жабборов Н. “Илм андоғ ганжи нофиъдур...” // “Шарқ юлдузи”, 2002. № 3. – Б.150-151; Жабборов Н. Ой ҳам ибодат қиладими?! // “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, 2005 йил, 28 октябрь; Олим С. Ишқ, ошиқ ва маъшук. – Тошкент: “Фан”, 1992; Нақшбанд ва Навоий. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996; Жумахўжа Н. Сатрлар силсиласидаги сеҳр. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1996; Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик ва текстологик таҳлили. – Тошкент: Академнашр, 2001, Sirojiddinov Sh., Yusupova D., Davlotov O. Navoiyshunoslik (1-kitob). – Toshkent: “Tamaddun”, 2018; Ҳайитов Ш. Алишер Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг манбалари ва ғоявий-бадий таҳлили. Филол. фанлари номз... дисс. – Тошкент, 1997. Шу муаллиф. “Маҳбуб ул-қулуб”да тасаввуфий жилолар. – Тошкент: “Фан”, 1998; Жавонмардлик ҳақиқати. – Тошкент: “Фан”, 2005; Муллахўжаева К.Т. Алишер Навоий ғазалиётида тасаввуфий тимсол ва бадий санъатлар уйғунлиги (“Бадоеъ ул-бидоя” девони асосида). Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2005; Қобилов У. Илоҳиёт ва бадиият. – Тошкент: “Ниҳол”, 2008; Шу муаллиф. Ўзбек адабиётида нубувват талқини ва образлари талқини. Филол. фанлари докт. дисс. автореф. – Самарқанд, 2019; Жўрақулов У.Ҳ. Алишер Навоий “Хамса”сида хронотоп поэтикаси. Филол. фан. докт. дисс. автореф. – Тошкент, 2017; Юсупова Д. Алишер Навоий “Хамса”сида мазмун ва ритмнинг ўзаро уйғунлиги. – Тошкент: “MUMTOZ SO‘Z”, 2001; Эшонқулов Ҳ. Алишер Навоий шеърятда самовий тимсоллар (“Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари асосида). Филол. фанлари номз... дисс. – Самарқанд, 1999. Шу муаллиф. Самовот – ишқ мазҳари. – Тошкент: Фан, 2008; Бекова Н. Алишер Навоий шеърятда ҳамд поэтикаси. – Тошкент: “Фан”, 2006; Ражабова М. Алишер Навоийнинг шеърӣ дурдонаси. – Тошкент: Фан, 2008; Бозорова Н. Алишер Навоий ғазалларида кўнгил образи. – Тошкент: “Фан”, 2009; Мамадалиева З.У. “Лисон ут-тайр” дostonидаги рамзий образлар тизими: Филол. фан. номз. дисс. автореф. – Тошкент, 2011; Амонова З. Ҳуруфийлик ва бадий ижод. – Тошкент: “PARADIGMA”, 2017; Давлатов О.Д. Алишер Навоий шеърятда Қуръон оятлари ва ҳадисларнинг бадий талқини: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. – Самарқанд, 2017; Асадов М. Ўзбек мумтоз адабиётида риндона маъно ва лирик қахрамон характери: Филология фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. – Тошкент, 2017; Жумаев “Маснавий Маънавий” ва “Лисон ут-тайр”даги ҳикоятларнинг қиёсий таҳлили. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. – Самарқанд, 2018. Гаффорова З. Алишер Навоий ҳамд ва наът ғазалларининг ғоявий-бадий талқини. Филология фанлари бўйича фалсафа доктори автореферати. – Самарқанд, 2018.

Алишер Навоий шеърлятида ишқ тушунчасининг ўрнини, тасаввуфий қирраларини белгилаб кўрсатиш;

шоир ғазалиётда “ишқ” истилоҳининг ирфоний-маърифий, рамзий-тимсолий маъноларда бадиий талқин этилишини далиллаш;

шоир маърифий-ирфоний қарашларида “ошиқ” тимсолининг поэтик талқин хусусиятларини очиш;

Алишер Навоийнинг “Хазойинул-маоний” девонидаги ошиқона ғазалларида “ишқ” турларининг бадиий ифода кўринишларини Ҳофиз ғазалиёти билан қиёсий-типологик аспектда тавсифлаш ва таснифлаш;

шоир ғазалиётда қўлланган “ишқ” тимсолларининг бадиий-эстетик вазибаларини асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Алишер Навоийнинг “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадоеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар” девонларини ўз ичига олган “Хазойин ул-маоний” куллиётдаги ва Ҳофиз Шерозий ишқий ғазаллари танланган.

Тадқиқотнинг предмети Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” куллиётдаги ва Ҳофиз девонидаги ошиқона ғазалларда бадиийлашган ишқ талқини поэтикаси ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда қиёсий-типологик, контекстуал таҳлил, биографик, герменевтик ва статистик усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоийнинг “Хазойинул-маоний” девонидаги ошиқона ғазаллари ҳамда таркибида ишқ таърифи ва тавсифи ўрин олган асарлари Ҳофиз Шерозийнинг шундай мазмундаги ғазалиёти билан қиёсий-типологик аспектда текширилиб, туркий шеърлятда ишқ мавзуси шарқ шеърляти анъаналари, бадиий мезонлари доирасида поэтик талқин қилиниши баробарида янада бадиий такомиллаштирилгани асосланган;

ўзбек адабиётда, жумладан, Алишер Навоий ижодида ишқ ғояси талқинининг анъанавийлиги, етакчи ўрин тутганлиги, исломий ва тасаввуфий манбалар асосида шаклланганлиги далилланган;

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” шеърлий тўпламидаги ошиқона ғазалларда ишқ талқини поэтикасининг тасаввуфий қирралари, ирфоний-маърифий ва рамзий-тимсолий маънолари очиб берилган;

шоир маърифий-ирфоний қарашларида “ишқ” тушунчаси билан боғлиқ “ишқ” турларининг бадиий ифода кўринишлари, “ошиқ” ва “маъшуқа”, “рақиб”, “висол”, “ҳижрон” тимсолларининг поэтик талқин хусусиятлари, бунда Ҳофизга мутаносиблиги ва ўзига хослиги, улар қўллаган образлар тизими умумий тавсифи ва таснифи, рамзийлиги, лирик қаҳрамоннинг, пайғамбарлар, анъанавий адабий қаҳрамонларнинг бадиий-эстетик вазибалари қиёсий-типологик аспектда аниқланган;

Навоийнинг савол-жавоб, сўз такрори ва қофияни шакллантирувчи бадиий санъатлардан фойдаланишдаги бадиий маҳорати ошиқона ғазалларининг ўзига хос бадиий қурилиши мисолида кўрсатиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Алишер Навоий “ишқ” ҳақидаги маърифий-ирфоний қарашларини исломий-тасаввуфий манбалар асосида поэтик ифода этганлиги тизимли қиёсий таҳлиллар орқали аниқланган;

шоир ғазалиётида ишқ ғоясининг ирфоний-тасаввуфий ҳамда рамзий-тимсолий маъноларини очиб бериш орқали шоир тафаккур даҳоси янги мезонларда баҳоланган;

улуғ мутафаккир ижодида умуминсоний ғоялар ва ишқнинг тасаввуфий талқини ўзаро уйғунликда ифодаланганлиги далилланган;

Алишер Навоий сўфиёна қарашларининг ишқ ғояси асосидаги бадиий талқинида Шарқ мумтоз шеърятининг анъанавий образ, рамз ва тимсолларидан фойдаланиб берилганлиги исботланган.

Олинган натижаларнинг ишончлилиги тадқиқот юзасидан чиқарилган хулосалар тадқиқотчи томонидан эълон қилинган илмий ишларда ўз ифодасини топганлиги ҳамда бу хулосалар илмий жамоатчилик томонидан ижобий баҳоланганлиги, аниқ қўйилган муаммо қиёсий-типологик, матний-қиёсий усуллар ёрдамида ечилганлиги, назарий хулоса ва фаразларнинг амалиётга жорий этилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Алишер Навоий ғазалиётида ишқ мазмунининг ифода мақсади ва хусусиятларини аниқлаш, унинг диний-тасаввуфий ҳамда бадиий-рамзий қирраларини фарқлаш, шоир ижодида умуминсоний ғоялар ишқнинг тасаввуфий талқини билан ўзаро уйғунликда бадиий ифода этилганлигини англашга илмий-назарий жиҳатдан хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти диссертациянинг хулосаларидан адабиётшунослик, мумтоз адабиёт тарихи, тасаввуфшунослик, навоийшунослик, маънавият асослари каби ўқув фанлари бўйича олий таълим тизимида мўлжалланган дарслик, ўқув қўлланмалар ёзишда, уларга оид дарс машғулотларини ташкил қилишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Алишер Навоий ғазалиётида ишқ поэтикасининг қиёсий-типологик таҳлили (“Ҳазойинулмаоний” мисолида) масаласини тадқиқ этиш бўйича олинган илмий натижалар қуйидаги йўналишларда жорийланган:

Навоийнинг комил инсон ғояси ифодаланган шеърӣ асарлари таҳлили, бу ғоя талқинида шоирнинг бадиий маҳорати, уни ўзига хос поэтик усул ва воситалар орқали такомиллаштиргани ҳақидаги материаллар 2003-2007 йилларда бажарилган 5.1.17-рақамли “Шарқ мумтоз адабиётида комил инсон концепцияси” мавзусидаги фундаментал лойиҳада тадбиқ этилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги №.8903-8183-сон маълумотномаси). Натижада улуғ шоир поэтик меросининг баркамол авлодни тарбиялашдаги аҳамияти, Шарқ поэтикасида комил инсон концепцияси тарихи, бадиий шакл ва мазмун янгиланишида Навоий ижодининг муҳим манба эканлиги бўйича хулосага келиш имконини берган;

Навоийнинг ишқий ғазаллари ғояси, лингвопоэтик ва композицион хусусиятлари, образлар таркиби, шоирнинг илоҳий ва мажозий ишқ талқинини беришда ўзига хос поэтик усул ва воситалардан фойдаланишдаги бадиий маҳорати ҳақидаги илмий натижалардан 2007-2011 йилларда бажарилган “ОФ-Ф8-027 рақамли “Кўлөзма манбаларнинг миллий маънавий ва адабий мерос тарғиботидаги аҳамияти” мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги №.8903-8183-маълумотномаси). Натижада Навоий “Хазойин ул-маоний” куллиётининг бошқа куллиётлардан фарқи, муштарак ҳамда ўзига хосликлари, ундаги таҳлилга тортилмаган айрим ғазал матнларида юз берган шаклий-услубий янгиланишлар, девондаги ишқий ғазаллар таснифоти бўйича хулосалар чиқаришга эришилган;

Навоий ишқий ғазалларининг лингвопоэтик хусусиятлари, шоирнинг ишқ талқинида сўзнинг ўз ва кўчма маъноларидан фойдаланиш маҳорати ҳақидаги материаллардан 2008-2011 йилларда бажарилган ОТ-Ф8-062 рақамли “Тил тараққиётининг деривацион қонуниятлари” номли фундаментал илмий лойиҳа бажарилишида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 9 сентябрдаги №.8903-8183-маълумотномаси). Натижада Навоийнинг ўзбек тили тараққиётида кўшган ҳиссаси асосланган, шоир даври тили ва ҳозирги ўзбек адабий тили хусусиятлари қиёсий ўрганилиб, ундаги деривацион қонуниятлар аниқланган;

Туркия Республикаси Карабук университети Адабиёт факультети турк тили ва адабиёти бўлимининг 2019-2020 ўқув йили TED 734 “Туркистон миллий уйғониш адабиёти”, TED 733 “Чигатой адабиёти” дарсларида диссертациянинг илмий натижаларидан фойдаланилган (Карабук университети Адабиёт факультети профессори Нодирхон Ҳасан номидан берилган маълумотнома). Натижада ишқ мавзусининг генезиси, унинг ирфоний моҳият касб этишининг таянч омиллари, Навоий асарларида ишқ мавзуси тадрижий ривожланишининг талқини, шоирнинг ғазалнависликдаги буюк салафларига муносабати, улардан ижодий таъсирланиши, ошиқона ғазалиётининг композицияси, ғазалларидаги пайғамбарлар тимсолларининг поэтик функцияси, тасаввуфий тимсолларнинг моҳияти кабиларни ўрганишда диссертация материаллари муҳим илмий манба сифатида хизмат қилган.

Навоийнинг улуғ салафлар ижодидан адабий таъсирланиб, мумтоз ғазалиётда ишқ мавзуси кўламининг янгича мотивлар билан кенгайишига салмоқли ҳисса кўшгани, ирфоний тушунчалардан санъаткорона фойдаланиб, Аллоҳ ва инсонни улуғлагани, ғазалларида васф этилган пок ишқ инсонни маънавий камолотга етакловчи муҳим омил саналиб, унинг зуҳд ва такводан афзаллиги ҳақидаги илмий хулосалардан “Бухоро” телеканалининг “Долзарб мавзу”, “Интервью плюс”, “Ассалом, Бухоро”, “Саккизинчи мўъжиза” кўрсатувларида фойдаланилган (Бухоро вилояти телерадиокомпаниясининг 2020 йил 25 мартдаги №.1/101-маълумотномаси).

Натижада шоир ғазалларидаги ишқи комил инсонни камолотга эриштириши, бунинг учун ундаги шижоат нафс итини забун қилиши билан боғлиқ улуғ шоирнинг ҳамида ахлоқ ҳақидаги бир қатор қарашлари таҳлиллар асосида ёритилгани телетомошабинларнинг ахлоқий тушунчаларини янада бойитган;

Мир Араб олий мадрасасида “Тасаввуф”, “Тасаввуф атамалари” сингари дарсларни ўтишда, Навоий таваллудининг 578, 579 ва Бобур таваллудининг 536, 537 йиллиги муносабати билан ўтказилган маънавий-маърифий тадбирларда диссертациясининг натижаларидан фойдаланилган (Ўзбекистон Мусулмонлар идорасининг 2020 йил 16 октябрдаги № 2030-далолатномаси). Натижада Навоийнинг ишқ мартабалари, тавҳид, тажаллий, илоҳий мазҳар, фақрлик ҳақидаги қарашлари, тариқатларга, жумладан, нақшбандийликка, ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Аҳрори Валийга бўлган самимий муносабати, нақшбандийликнинг “хуш дар дам” раҳсаси, тариқатнинг сир сақлаш билан боғлиқ ғояларидан юксак санъаткорлик билан фойдаланганлиги таҳлиллар асосида очиб берилгани талабаларнинг тасаввуф адабиёти билан боғлиқ билимларини ривожлантиришга ёрдам берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 10 та халқаро ва 18 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация натижалари бўйича 70 та илмий иш, 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижалари чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 30 та мақола, жумладан, 28 таси республика ҳамда 2 таси хорижий журналда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, беш боб, хулоса ва адабиётлар рўйхатидан ташкил топган бўлиб, ҳажми 271 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертациянинг **Кириш** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, ишнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, илмий янгилиги, амалий натижалари баён этилган. Тадқиқот давомида олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари ёритилган. Тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши ва ҳажми ҳақида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг биринчи боби “**Ишқ мавзусининг ғоявий-адабий манбалари ва тадрижий тақомили**” деб номланган. Биринчи фасл “Кўҳна ишқ мавзусининг исломгача ва унинг илк шаклланиш босқичидаги талқинлари” деб юритилади. Бунда ишқ мусулмон халқлари мумтоз адабиётининг ўзак мавзуси эканлиги, ғазалнинг ноёб назм намунасига

айланишида ишқ мавзуси кўлами кенглигининг асос бўлгани, ишқнинг туркий ва араб адабиётидаги исломгача ва исломнинг илк шаклланиш босқичларидаги талқинлариилмий тадқиқ қилинади. Шамс Қайс Розийнинг “Ал мўъжам...” ва Навоийнинг “Бадойеъ ул-бидоя” “Девочаси”даги ғазал ёзишга қўйилган ғоявий-эстетик талабларган кўра, ғазалдаги ишқ мавзуси эстетик завқ бериш билан кифояланмай, у илоҳий маърифатни англаш, юксак инсоний фазилатлар камолотига ҳам хизмат қилиши зарур саналган¹¹. “Девону луғотит турк”даги адабий парчаларда “узик”, “ўзик”, баъзан “севуклук” “ишқ”нинг маънодоши сифатида, маъшуқа маъносида эса “севук” сўзи туркий шеъриятда қўлланган. Бу туркийларда ишқ мавзусида назмда ижод этилиши араблар томонидан мусулмонлаштириш сиёсатининг амалга оширилмасиданоқ шаклланган ва муайян тараққиёт босқичини ўтаб равақ топганини далиллайди. Бироқ бу даврда ғазал сингари ҳам ошиқона, ҳам ахлоқий-таълимий моҳият касб этувчи бирор жанрнинг мавжудлиги кузатилмайди. Мумтоз ва замонавий илмий манбаларда маълумот берилишича, ғазал араб адабиётида вужудга келган даврда ҳам юқорида айтиб ўтилган эстетик вазифани ўтамаган. Жоҳилият даври шоирлари серқуёш ўз ўлкалари табиати, чексиз саҳролари, доимий йўлдошлари бўлган от ва туялар ҳақида ёзишган. Алоҳида севги кўшиқлари жуда кам учраган. Муҳаббат мавзуси кўпинча қасиданинг насиб – асосий мақсадга киришмасдан бурунги табиат ёки ишқни мақташга қаратилган бош қисмида бадий ифодасини топган. Шунга кўра, кўпчилик шарқшунос олимлар ғазал қасидадан ажралиб чиққан, деган қарашни илгари суришади¹². Адабиётшунос Р.Орзибеков Ханна ал-Фарухийнинг маълумотларига таяниб, ислом дини вужудга келгунга қадар ҳам арабларда ғазал шеърий шакли бўлганлиги ва бу жанр орқали шоирларнинг севги кечинмалари баён қилинганини маълум қилади. Шунингдек, исломгача яшаган араб шоирларидан Имрул Қайс (500-554) ижодида ғазал асосий ўрин эгаллаганини қайд этади. Энг муҳими, Р.Орзибеков Ханна ал-Фарухий ғазални хотин-қизлар, уларнинг қилиқ ва сифатлари, шоирнинг севгилисига бўлган муҳаббати ва у билан суҳбатлари куйланадиган лирик шеър деб ҳисоблаганини баён қилади¹³. Умуман олганда, жоҳилият даври араб қасиданавислигида севги-муҳаббат мавзуси етакчи ғояни шеърхонга етказиш учун ёрдамчи унсур вазифасин ўтаган бўлса, VI-VII асрларда вужудга келган ғазал шакли бу мавзунинг асосий мақомини белгалаб берди. Шундай бўлса-да, дастлабки шаклланиш босқичида ғазал мавзуси Фанна ал-Фарухийнинг мазкур жанрга берган таърифи доирасида қолиб кетган кўринади.

Инсоният тарихидаги туб эврилишларга боис бўлган ислом мафкураси араб шеъриятида мавжуд бўлган ғазал мавзусини ҳам тубдан ислоҳ қилинишини талаб этарди. Р.Орзибеков бу масалани озарбойжонлик олим

¹¹Шамси Қайс Розий. Ал-мўъжам. –Душанбе: “Адиб”, 1991. –С. 332; Алишер Навоий. Мукамал асарлар тўплами. XX томлик. 1-том. –Тошкент: “Фан”, 1987. – Б. 21. (Бундан кейин ушбу манбага мурожаат этилганда, қавс ичида жилди ва саҳифасини кўрсатиш билан кифояланамиз - Ҳ.Э.)

¹² Қаранг: Мирзоев М. Рудаки и развитие газели в X – XV вв. –Сталинобод.Таджикгосиздат, 1958. – С. 29-36.

¹³Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. –Тошкент: “Фан”, 1976. – Б. 7-8.

М.Маҳмудовнинг “Хатиб Табризийнинг адабий-танқидий қарашлари” номли мақоласида билдирилган фикрларга таяниб баён этади: “У даврда (VI-VII асрларда – Ҳ.Э.),–деб ёзади М.Маҳмудов,– ғазал арабларда биз ҳозир тушунган маънода эмас эди. Бу жанр шоир ёқтириб қолган ҳар бир қизнинг гўзаллигини очиқ шаклда васф этмоққа хизмат қиларди... Шунинг учун ҳам исломиятнинг илк даврларида ғазал ёзиш таъқиб этиларди, ғазал ёзган шоирлар қаттиқ жазоланарди”¹⁴. Қуръони карим ва Ҳадиси шариф исломиятнинг илк даврлари ҳақида маълумот берувчи энг ишончли ва мўтабар манбадир. Шу боис ишда шеър ва шоирлик ҳақидаги ояти карима ва пайғамбар ҳадисларига таяниб, бу даврда айни масалага, жумладан, ишқ мавзусига янги эътиқодий қарашлар нуқтаи назаридан қандай муносабатда бўлинганини муайянлаштиришга ҳаракат қилинди. Бунинг учун қуйидаги икки жиҳатга алоҳида эътибор қаратилди: 1.Қуръоний оятларнинг шеърӣ услубда нозил қилинганлиги; 2.Ҳадисларда шеърӣятга муносабат.

Исломий манбаларда “Хужжат ул ислом” деб улуғланган буюк олим Имом Ғаззолий (1058 - 1111) “Иҳёи улумиддин” асарининг “Китобу адаб ас-само вал-важд” бўлимида ҳадислар асосида пайғамбаримиз яшаган даврдаги араб шеърӣяти ҳамда унга Аллоҳ расули ва саҳобаларнинг муносабатлари хусусида жуда муҳим мулоҳазалар баён этилган¹⁵. Имом Ғаззолий ҳадислардаги маълумотлар нуқтаи назаридан мусулмонлар учун қандай шеър мувоҳ (диний қоида юзасидан руҳсат этилган иш бўлиб), қайси бири ҳаром қилинганлигини ҳам ойдинлаштиради. Манбалардан аёнлашадики, Саодат асрида Муҳаммад (с.а.в)нинг “*шеърда ҳикмат бор*”лигини эътироф этишлари ва шеърӣятга илиқ муносабатлари исломиятнинг илк даврлариданоқ шеърӣятнинг диний ғояларнинг тарғиби ва ташвиқида асосий вазифани адо этишига омил бўлган. “Шуаро” сурасида шоирлар ҳақидаги оятларнинг нозил бўлиши, уларнинг Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларида маъно-моҳиятининг очиқ берилиши ҳамда ҳадислар асосида мусулмон шоирлари ижоди ғоявий йўналишининг белгилаб берилиши шеърдаги асосий мавзу саналган ишқнинг янгича ғоялар билан такомиллашувига сабаб бўлган. Шеърӣят учун энг муҳим бадий-эстетик ҳодиса саналган унинг рамзий моҳият касб этишида само муҳим аҳамият касб этган. Бунда Имом Ғаззолий эътироф этганидек, самода тингланадиган ошиқона шеърда ифодаланган зулф, ёноқ ва шунга ўхшаш бошқа бадий тимсолларнинг ботиний маъносини англашга бўлган уриниш сезиларли таъсирини кўрсатган. Бундай ҳаракат саҳобалар ва йирик тасаввуф вакилларининг ҳаёт тарзида фаоллашиб равнақ топган.

Иккинчи фасл “Ишқнинг ирфоний моҳият касб эттирувчи таянч омиллари” деб номланади. Унда “Ишқ”нинг луғавий ва истилоҳий маънолари, ирфоний моҳиятининг Қуръони карим, ҳадислар, саҳоба ва йирик мутасаввифларнинг ҳаёт тарзлари билан боғлиқлигига эътибор қаратилади. Қуръони каримда ишқ калимаси учрамаса ҳам, тасаввуфий манбаларда ушбу

¹⁴Орзибеков Р. Ўзбек лирик поэзиясида ғазал ва мусаммат. – Б. 8.

¹⁵Imam Gazali. Ihya-i ulum'id-din. Tercüme Ali Arslan. 3.cild. –Istanbul. Arslan yayinlari, sanasiz. –S. 409-487.

илоҳий китобнинг баъзи сураларида Аллоҳ ва инсон орасидаги муҳаббатга далолат қилувчи оятларнинг мавжудлиги ҳақида сўз юритилади. Турк олими Билгинар “Бақара” сурасининг 165-оятида ишқ сўзи ўрнида нозил бўлган Аллоҳ каломи мавжудлигига диққатни қаратади ва уни қуйидагича изоҳлайди: *“Валлазина аману ашаду хуббан лиллоҳ”* (*“Иймон келтирганларнинг Аллоҳ учун севгиси энг шиддатли севгидир”*), - дейилади. Бу оятда ишқ ифода этилган, зеро, ишқ севгининг шиддатли бўлиш шаклидир”¹⁶. Алоуддин Мансур юқоридаги илоҳий жумлани: *“Иймонли кишиларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббатлари қаттиқроқдир”*¹⁷, - тарзида ўзбекчалаштиради. Абдулазиз Мансур: *“Иймон келтирганларнинг Аллоҳга бўлган севгилари (уларникидан) кучлироқдир”*¹⁸, - холида ўша илоҳий жумлани ўзбекчага уйғунлаштирган. “Исломий истилоҳлар луғати”да ишқнинг “севги”, “савдо”, “муҳаббат”, “алоқа” каби сўзлар билан маънодошлиги ҳамда ишқ “севгининг юксалиши”, “муҳаббатнинг ифроди”, “юқори даражага етган севги” сингари истилоҳий маъноларда қўлланиши қайд этилади.¹⁹ Мазкур луғатдаги маълумотлар ҳар учала таржимада ҳам иймонли кишининг Аллоҳга бўлган муҳаббати шиддатли бўлиб боради, кучаяди, иймон-эътиқод мўминни Аллоҳга қаттиқроқ боғлайди, деган маъно ўз ифодасини топганига қаноат ҳосил қилдиради.

Ишқнинг ирфоний моҳият касб эттирувчи таянч омили - унинг Аллоҳ тарафидан Муҳаммад (с.а.в.) нинг Ҳиро тоғида тоат-ибодат билан машғул бўлганларига нисбат берилишидир. Имом Ғаззолий Муҳаммад алайҳис-саломнинг айни ҳолатдаги чинакам ошиқлигига ишора қилиб, қуйидагиларни ёзади: *“Аллоҳга иймон келтирган киши, шубҳасиз, Аллоҳни севади. Эътиқоди ортган сари севгиси ҳам ўшанга нисбатан кучаяди, қалбдаги севги юксалганида, унга ишқ номи берилади. Зеро, ишқнинг маъноси ифрод даражада қувватли бир севги демакдир. Мана шу сирга биноан араблар Ҳазрат пайғамбарнинг пайғамбарликдан аввал Ҳиро тоғида узлатда чекиниб ибодат билан машғул бўлганликларини кўрган вақтда “Муҳаммад раббига ошиқ бўлибди”, - дейишган”*²⁰. Тасаввуфда Ҳақ ва банда орасидаги муҳаббат икки тарафлама бўлиши эътироф этилади. Улуғ мутасаввифларнинг қарашларига кўра, дунё Ҳақ жамоли тажаллий этган кўзгу экан, инсон Аллоҳ муҳаббатининг меваси сифатида эъзозланади. Қуйидаги қудсий ҳадисда *“Лавлака лавлака лама ҳалактул афлок» («Эй инсон, сен бўлмасайдинг, оламларни яратмасдим»)*²¹, - дея таъкидланиши фикримизнинг далилидир. Унда инсон ҳар жиҳатдан шундай севгига лойиқ эканлиги ифода этилган. У ўз хилқати тузилиши билан илоҳий хусусиятларни акс эттирган тимсолдир, шу боис инсон қалби нури Раҳмон масканига айланади.²² Тасаввуф аҳли

¹⁶ Mahmud Sadettin Bilginer. Allah ve insan. –Istanbul, 1991. –S. 67-68.

¹⁷ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. –Тошкент: “Чўлпон”, 1992. – Б. 24.

¹⁸ Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири (Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур). – Тошкент, 2004. – Б. 25.

¹⁹ Hasan Altay. Islami terimler sozlugu. –Ankara: İşaret yayınları, 1995 –S. 42.

²⁰ Imam Gazali. Ihya-i ulum’id-din. Tercume Ali Arslan. 3.cild. –Istanbul. Arslan yayınları, sanasiz. –S. 436.

²¹ Mahmud Sadettin Bilginer. Allah ve insan. – Istanbul, 1991. sah. 80.

²² Комилов Н. Тасаввуф. Биринчи китоб. – Тошкент: “Ёзувчи”, 1996. – Б. 50.

бундай илоҳий маърифатни эгаллашга ақлий-тафаккурий билимлар эмас, балки ички яширин туйғулар асосида басират кўзининг очилиши, яъни муҳаббат орқали етиш мумкин, деб ҳисоблайдилар. Ишқнинг ошиқнинг маъшуқасига фаний бўлиши билан алоқадор жиҳати учун ҳам пайғамбар алайҳис-саломнинг ҳадислари ва Ҳақ ризолиги йўлида олиб борган фаолиятлари асос вазифасини ўтаган.

Хулоса, мумтоз адабиётдаги ишқ мавзуси бевосита Қуръони карим оятлари, ҳадислар, хусусан, йирик мутасаввифларнинг Аллоҳ ва инсон маънавий камолоти ҳақидаги фикрлари асосида шаклланди. Руҳий-маънавий яқинлик ифодаси бўлган маънавий ишқ ҳам айнан ана шу манбалар асосида инкишоф топди. Робиаи Адвиянинг Аллоҳга муножоти илоҳий ишқнинг янгича моҳият касб этишида асос вазифани ўтади. Кейинчалик ушбу ғояларнинг йирик мутасаввифлар томонидан асрлар давомида мукаммаллашуви ҳамда уларнинг буюк сўз санъаткорлари ижодида бадиий сайқал топиб инсоннинг маънавий камолотига хизмат қилдирилиши ишқнинг мумтоз адабиётдаги таянч мавзуга айланишига сабаб бўлди.

Бобнинг учинчи фасли “Навоий асарларида ишқ мавзусининг тадрижий такомил талқини” деб номланган. Ундаги масала “Маҳбуб ул-қулуб”нинг “Назм гулшанининг хушнағма булбуллари зикрида” фаслидаги мулоҳазалар билан “Ҳазойин ул-маоний” девонлари таркибидаги сўнгги ғазаллар таҳлили асосида ёритилган. “Маҳбуб ул-қулуб”даги мусулмон минтақа халқлари назм намуналарида қўлланган етакчи услублар талқинига бағишланган мулоҳазалардан исломиятнинг халифа Али бин Абу Толиб давридан бошлаб, мумтоз адабиётда ишқ мавзуси бир-бирини инкор этмаган уч услубда тараққий этгани аёнлашади. Буни Жомий ижодида уларнинг бирлаша олгани ҳам тасдиқлайди. Айни ҳолат Навоий ғазалиётида ҳам кузатилади. *Илоҳий маърифат бадиий талқини* халифа Али бин Абу Толиб девонларида бўй кўрсата бошлаган бўлса, Фаридуддин Аттор ва Жалолиддин Румий ижодида бундай услуб ўзининг юксак пағонасига кўтарилган. *“Ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳсул қилиши”* ҳам ишқ мавзусининг адабий тадрижий такомилда энг етакчи услуб сифатида кўзга ташланади. Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Заҳируддин Саной, Шайх Авҳадуддин, Фаҳриддин Иброҳим Ироқий ва Ҳофиз Шерозий ижоди мисолида бу услубда назмнинг юксак намуналари ижод этилди.

“Ҳазойин ул-маоний”да Хусрав Дехлавий, Ҳофиз Шерозий, Лутфий, Саккокий ва Абдурахмон Жомий сингари салафлар номлари келтирилган 6 та ғазал мавжуд бўлиб, уларнинг тенг ярми йиғма девон таркибидаги дастлабки 3 девоннинг ғазалларига хотима сифатида келган 650-ғазаллардир. Жумладан, “Ғаройиб ус-сиғар”даги шундай ғазалда Жомий ва Хусрав Дехлавий номлари тилга олинган бўлса, “Наводир уш-шабоб”даги сўнгги ғазалда Жомий ва Ҳофиз, “Бадойеъ ул-васат”даги ғазалда эса ёлғиз Жомий номи келтирилади. Қолган уч ғазалнинг иккитаси “Ғаройиб ус-сиғар”дан ўрин олган. Уларнинг бирида Ҳофиз, иккинчисида Лутфий номига, “Наводир уш-шабоб”даги ғазалда эса Саккокий номига талмех қилинади. Навоийнинг ушбу хотимавий ғазалларида буюк салафларга бўлган чексиз эҳтироми

Ҳофиз ғазалиётда Навоийдаги “шўҳи раъно” тимсолини хотирга келтирувчи тимсол сифатида “хуснфурӯшон”нинг қўлланганлиги диққатга сазовордир:

Агарчи хуснфурӯшон ба чилва омадаад

Касе ба хусну малоҳат ба ёри мо нарасад [Ҳофиз, 203].

Мазмуни: Агар хуснфурушлар жилва қилишга киришишса, хусну малоҳатда ҳеч бири бизнинг ёримизга етолмайди.

Навоий назмида “куйдирувчи дашт”, “балойи ногаҳ”, “кўнгилга маҳкам ўрнашган тикан” сифатида таърифланган ишқнинг Ҳофиз ғазалиётда ҳам мушқиллиги эътироф этилиб, “жигарсўз”лигидан баҳс этилиши замирида унинг озорсиз бўлмаслигига урғу берилади. Ҳар иккала шоир ғазалиётда ҳам ишқнинг поклик асосида вужудга келишига алоҳида эътибор қаратилгани боис Навоийдаги “булҳавас”, Ҳофиздаги “сабукборони соҳилҳо” сингари тимсоллар ошиқликка, Навоийдаги “ҳар шўҳи раъно”, улуғ салафдаги “хуснфурушон” тимсоллари маъшуқликка муносиб кўрилмайди. Бу тимсолларга хос “ишқ” баъзи ўринларда танқидга учраш билан эслаб ўтилса, пок ишқ, ишқи комил сингари моҳиятан битта тушунчани англатувчи ишқ воситасида инсонни комилликка ундаш ғоялари илгари сурилади. Чинакам маъшуқа илоҳ жамолини ўзида мужассам этган мазҳар ҳолида ҳар иккала шоирда талқин этилгани учун Навоий ишқнинг зиён эмас, бу зиён ичра киришининг ўзи фойдали эканлигини уқтиради, Ҳофиз эса дили ишқ билан тўлган кишининг ўлмаслиги замирида ишқнинг кони фойдалигига диққатни қаратади. Инсонни комиллик рутбасида кўриш учун ишқнинг фано дарсхонасидаги илм, кимё ва муаллимлиги қиёсланиши ҳар иккала шоир ижодида ирфоний маънонинг қабарик намоён бўлишига замин ҳозирлайди.

Бобнинг иккинчи фасли (“Ошиқона ғазалиётдаги ишқ мавзуси кўлами кенгайишининг таянч ирфоний асослари”) ишқий ғазаллардаги тажаллий, тавҳид сингари ирфоний тушунчалар воситасида ишқ мавзуси кўлами кенгайишининг қиёсий талқинига бағишланади. Ошиқона ғазалиётнинг янги мотивлар билан бойиб, орифона моҳият касб этишида ундаги лирик қаҳрамоннинг маъшуқа, борлиқ ва инсон муносабатлари билан алоқадор мушоҳадаларининг бадий талқинига кенг ўрин берилиши энг муҳим омил бўлиб хизмат қилади. *“Иккинчи минг йилликнинг янгиловчиси”*²⁴ дея эътироф этилган Шайх Аҳмад Фарук Сарвандий – Имоми Раббоний (х. 971-1031) ўзининг “Мактубот” асарида тавҳид хусусида фикр юритаркан, унинг икки қисм: шуҳудий ва вужудий тавҳиддан иборатлигига эътиборни қаратади. Энг муҳими, Имом Раббоний тавҳид ҳақидаги қарашларини нақшбандийлик тариқатига таяниб баён қилади. Жумладан у: *“Валийлик доирасининг қутби бўлган Шоҳи Нақшбанд ҳазратлари кўзга, қулуоққа, ҳисга ва бутун идрок воситаларига тажаллий этган ҳар нарсанинг Ундан эканлигини, фақат*

²⁴Necip Fazıl Kısakürek. Mektubat'ı Takdim//. Müceddin-i Elf-i Sani Şeyh Ahmed-i Faruk-i Servendi Imam-i Rabbani. Mektubat. Hazırlayan Necip Fazıl Kısakürek. –İstanbul, 1995–S. 5.

буларнинг У эмаслигини баён қилганлар. Бу ҳикмат - тавҳид баҳсининг руҳидир”²⁵ - дейди. Улуғ мутафаккир Алишер Навоийнинг ошиқона ғазаллари мисолида ҳам маърифат мақоми бўлган айн ул-яқиндан ҳисса олган ориф шоирларга хос тажаллийда улкан улуғворлик борлигини ҳис этишининг бадиий талқинларига гувоҳ бўлиш мумкин:

*Боқма, эй зоҳид, ҳақорат бирла ашё сариким,
Бўлмаган анинг сифоти мазҳари йўқ ҳеч зот [4, 56].*

Айни ҳолат Ҳофиз Шерозийнинг “*Айби риндон макун, эй зоҳиди покизасиришт*” сатри билан бошланувчи ғазалида ҳам кузатилади:

*Ҳама кас толиби ёранд, чи хушъёру чи маст,
Ҳама чо хонаи ишқ аст, чи масҷид, чи куништ [Ҳофиз, 120]*

Мазмуни: Барча инсон - қай бири хушъёру қай бири маст бўлмасин, ёрнинг талабгоридир. Қай бири масҷиду қай бири куништ – яхудийлар ибодатхонаси бўлмасин, барча ер ишқ хонасидир.

Навоий ва Ҳофизнинг ошиқона ғазалиётида шухудий тавҳид ғоясига таянилган ҳолда борлиққа айрича бир тажаллийёт маскани сифатида қаралади. Ҳар иккала шоир айни мантиқдан келиб чиқиб борлиққа нисбатан зоҳидона қарашларни ёқламайди. Бу Навоийда кўпроқ ошиғу зоҳид зидлигини ҳосил қилса, Ҳофизда ринду зоҳид қарама-қаршилигини пайдо қилиб, Аллоҳга хос сифатлар шухудий тавҳид ғояларига таянилган ҳолда борлиқдан изланади. Шу тариқа моддий оламга муҳаббат билан муносабатда бўлинади. Борлиқнинг ўзгача муқаддаслик касб этиши шеърда ифодаланган муайян тасвирнинг моҳиятини аниқлаштириш адабий ниятида Навоий ва салаф шоирни борлиқдан тамсиллар танлашга ундайди. Танланган тамсиллар ирфоний ғояларни муайянлаштиришга қаратилгани боис ишқ мавзусининг кўлами кенгайиб боради. Бу тамсиллар ишқ билан алоқадор, ҳар иккала шоир ғазалиётида кузатилганидек, ватанга бўлган ишқ, замона аҳлига муносабат, фақрликка муҳаббат, Навоийда ҳаж сафарига иштиёқ сингари мотивлар билан ишқ мавзуси кўламининг кенгайишига боис бўлади ва ошиқона ғазалнинг ирфоний моҳият касб этишини таъминлайди. Улардаги табиат тасвири, унга ҳамоҳанглик касб этган ҳолда майдан сархушлик, жаннат билан алоқадор эътиқодий қарашлар тасвири, масҷид, сумнот, куништ сингари ибодат масканлари билан боғлиқ бадиий манзаралар ишқ мавзуси кўламининг кенгайишига салмоқли ҳисса бўлади.

Бобнинг учинчи фасли “Навоийнинг ошиқона ғазалиётидаги тариқат ғояларининг поэтик ифодаси” деб номланган. Унда Навоий ва салаф шоирнинг тариқатларга, хусусан, Навоийнинг нақшбандийликка муносабати, бу тариқат ғояларининг, жумладан, сир сақлашнинг маломатийлик билан уйғун жиҳатлари, “хуш дар дам”нинг Навоийнинг ошиқона ғазалиётидаги ўзига хос талқини масалалари ёритилади. Ҳофизнинг маслаги, тариқатга боғлиқлиги ҳақидаги қарашлар умумлаштирилади. Ё.Исҳоқов Навоий асарларидаги тариқат ғоялари талқинини теран ўрганиб, қуйидагича хулосага

²⁵Imam-i Rabbani. Mektubat.–S.106.

келади: “Навоий асарларини футувват нуқтаи назаридан кузатиш асосида нафақат унинг жавонмардларга нисбатан чуқур муҳаббатини ҳис этиш, балки футувват мафқурасининг дастурини ҳам тўлиқ тиклаш мумкин”.²⁶ Шунингдек, олимнинг: “Абдурахмон Жомий нақшбандия сулукига расман кирган, лекин турмушда у маломатий эди”²⁷ тарзидаги қатъий хулосаси Навоийни жавонмардлик ва маломатийликнинг ғоялари бефарқ қолдирмаганлигига ишонч ҳосил қилдиради. “Насойим ул-муҳаббат”да келтирган қуйидиги мулоҳазалар ҳар иккала ижодкорнинг маслак жиҳатдан бир-бирларига ниҳоятда яқинликларига қаноат ҳосил қилдиради: “Хожалар қ.а.силсиласидин азизе дебдурки, ҳеч девон Ҳофиз девонидин яхшироқ эмас, агар киши сўфий бўлса, бу фақирга андоқ маълум бўлубдур ва маишҳур мундоқдурки, Ҳазрат Мир Қосим қ.с. аларнинг девонини “Қуръони форсий” дер эрмишларки, Каломуллоҳ оёти маъонисидин мамлу ва асрори нукотидин маишҳурдир” [17, 479-480]. Қурбон Восеънинг риндликнинг маломатийлик ва жавонмардлик билан боғлиқ жиҳатларини эътироф этгани Ё.Исҳоқовнинг бу икки сулук ғоялари Навоийни илҳомлантирганлиги билан боғлиқ илмий мулоҳазаларига ниҳоятда уйғун келади. Турк олими Наждат Тўсун эса Абдуҳолик Ғиждувоний ва издошларининг тасаввуфий дунёқарашларини уч асосий тамойил: исломий қоидаларга асосланиш; аҳли сунна вал жамоа эътиқодига ривоя; маломатийлик тушунчасига боғлиқликка ажратиб ўрганиш мумкинлигини қайд этади. Олимнинг фикрича, маломат тушунчасининг энг муҳим асосларидан бири сўфийнинг ўз маънавий ҳолини яшириши, шуҳрат ва риёдан қочишидир... Бу хусусиятларни Абдуҳолик Ғиждувоний ва у асос солган тариқат вакилларида ҳам кўриш мумкин.²⁸ Аёнлашадики, нақшбандийлик тариқатларнинг ўзига хос олтин ҳалқаси бўлиб, юқорида номи келтирилган сулукларнинг ижтимоий ҳаёт ва инсоннинг маънавий камолоти учун муҳим бўлган тамойилларини ўзида сингдириб борган. Буни Навоий ва Ҳофиз маслагида энг муҳим талаб саналган Аллоҳ ва хос банда орасидаги сирларни ошкор қилмаслик ғоясининг иккала ижодкор ғазалиёти бадий талқини мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунончи, ҳар иккала шоир ғазалларида ишқни қалбда пинҳон тутишга интилган ошиқнинг жисмоний имкониятлари панд берганидан зорланиши, унинг руҳий конфликтлар гирдобида азоб чекаётганлиги тасвири ўзининг бадий ифодасини топади:

Ишқ сирин неча кўнглум ичра пинҳон айласам

Ҳам кўнгул ўти забона чеккач, элга фош эрур [3, 136]

Шеър қаҳрамони ишқ сирини кўнглида пинҳон сақлашни қанчалик истамасин, кўнгилинг ўти тилга ўтиши билан у элга ошкор бўлиб қолади. Бундай муболағавий тасвир билан Навоий ошиқ кўнглидаги ўт ниҳоятда

²⁶Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти.– Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 49.

²⁷Ўша асар, 104-бет.

²⁸Тўсун Наждат. Хожа Абдуҳолик Ғиждувоний ва издошларининг тасаввуфий қарашлари// “Нақшбандия”, 2008, Нишона сон. – Б. 24.

ҳароратли эканлигини ўқувчи шуурига образли тарзда сингдиради. Ишқ сирини кўнгилда тутишнинг душворлиги Ҳофиз ғазалиётида ҳам ошиқ ҳолатини бадий ифодалашда муболағавий тасвирларни вужудга келтиришга омил бўлади:

Дарди ишқ арчи дил аз халқ ниҳон медорад,
Ҳофиз, ин дарди гирёни ту бечизи нест [Ҳофиз, 115].

Мазмуни: *Гарчи дил ишқ дардини халқдан ниҳон тутса ҳам, Ҳофиз, сенинг кўзларинг йиғиси бежиз эмас экан-да.*

Навоий ҳамд ғазалларида “нақш”, “нақшбанд” сўзларини қўллаш билан нақшбандия тариқатига бўлган юксак эҳтиромини бадий ифодалайди. Ушбу сўзлар “хуш дар дам”га ишора қилувчи байтларда қўлланганда, мутафаккир ижодкор тағмаънода тариқат ғояларини шеърхонга ҳис эттириб, байтда кўп маъноликни вужудга келтиришга муваффақ бўлади. Айни ҳолат салоҳиятли шоирнинг юксак санъаткорлик маҳоратининг бир қирраси сифатида намоён бўлади. Шунингдек, ижодкор «хуш дар дам» тамойилидан ижодий фойдаланиб, шеърхонни сабр – қаноатли, доимо огоҳ бўлишга ва ҳаётдан завқ олишга даъват этади.

Диссертация учинчи боби “**Алишер Навоийнинг ошиқона ғазалларидаги рамзий образлар тизими ва талқинлари**” деб номланган. Биринчи фасл “Алишер Навоийнинг ошиқона ғазалиётидаги образлар тизими, уларнинг тавсиф ва таснифлари” деб юритилади. Масалани ёритишда маърифий адабиётда Ҳақ, солиқ ва мушкулот рамзияти, уларнинг рамзий тизимчалари, “ошиқ - ёр” тизимидаги маънодошликлар воситасида маърифий тушунчаларни ўрганишга доир тавсияларга²⁹ таянилди. Бу тавсиялар такомиллатирилиб, Навоий ва Ҳофизнинг ошиқона ғазалиётидаги образлар мисолида уларнинг аниқ бир рамзий тизимни ташкил этиши аниқланди ва рамзий тизимдаги образлар 4 га тасниф этилди:

1. Ошиқнинг мақсадини ифода этувчи рамзий образлар: ёр, маъшуқа, маъбуб, жонон, пари, гул, шам, куёш, ой, Ширин, Лайли, Узро, мирак, йигит, турки Шероз... **2. Ошиқ ва ишқ йўлида ошиққа маслакдош ёки унга рухий-маънавий яқинлик ҳосил қилувчи образлар:** ошиқ, солиқ, толиб, фақир, гадо, дарвеш, ғариб, қаландар, ринд, самандар, булбул, парвона, Фарҳод, Мажнун, Вомиқ... **3. Ошиқнинг мақсадига тўсиқ бўлувчи, ишқни инкор этувчи ёки унга майл кўрсатмайдиган образлар:** нафс, рақиб, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид, обид, шайх, шоҳ, фосих, булҳавас, хуснфурушон... **4. Ишқ йўлида ошиқни қўлловчи образлар:** пир, пири муғон, дайр пири, соқий, муғбача, маҳрам, хабиб, Исо Масих, Юсуф (а.с.), Хизр (а.с.), Мусо (а.с.) сингари пайғамбарлар...

Ошиқона ғазалиётда учровчи бу образларнинг қўлланишига кўра таснифини бош қаҳрамон ва персонажларга ажратиш мумкин. Навоийнинг ишқ мавзусида битилган ғазаллари бош қаҳрамоннинг поэтик функциясида

²⁹Воҳидов Р., Неъматов Ҳ., Маҳмудов М. Сўз бағридаги маърифат. – Тошкент: “Ёзувчи”, 2001. – Б. 105-125.

келиб чиқиб 6 га таснифланди. Бу таснифда Ҳофиз ғазалиётининг нечоғлик мос келиши ҳар иккала шоир ижодидан келтирилган мисоллар асосида муайянлаштирилди:

1. Лирик қаҳрамон – ошиқ бош қаҳрамон поэтик функциясидаги ғазаллар: “Кўнглим ўртансун агар гайрингга нарво айлса” [3, 43-44], “Даст аз талаб надорам, то коми ман барояд” [Ҳофиз, 292]. **2. Лирик қаҳрамон ринд – ошиқ поэтик функциясидаги ғазаллар:** “Ҳаво хуш эрдию оллимда бир қадаҳ майи ноб” [3, 58-59], “Сабо вақте саҳар бўе зи зулфи ёр меовард” [Ҳофиз, 192]. **3. Лирик қаҳрамон шоирнинг ўзи, унинг ҳасби ҳоли талқинида ҳаётийлигига ишора қилинган маъшуқа бош қаҳрамон поэтик функциясидаги ғазаллар:** “Хильатин айлабтудур ул шўхи сийнбар қора” [3, 48], “Моҳам ин ҳафта бурун рафту ба чашмам солест” [Ҳофиз, 108]. **4. Тахайюлий маъшуқа бош қаҳрамон поэтик функциясидаги ғазаллар:** “Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайхун аро” [3, 41], “Зи хусрави хубон, назаре сўи гадо кун” [Ҳофиз, 471]. **5. Бошқа образлар бош қаҳрамон поэтик функциясидаги ғазаллар:** “Сен лабинг сўрғон сайи мен қон ютарман, эй ҳабаб” (бош қаҳрамон: ҳабиб) [3, 62]. **6. Бирдан ортик образ бош қаҳрамон поэтик функциясидаги ғазаллар:** “Ҳар қачонким кемага ул ой сафар рахтин солр”, (бош қаҳрамон: ошиқ ва маъшуқа) [4, 150] “Ба кўйи майкада, ё раб, саҳар чи маиғала буд?” (бош қаҳрамон: ринд ва соқий) [Ҳофиз, 273].

Хуллас, Навоий ва Ҳофизнинг ишқий мавзуда битилган ғазалиёти мисолида келтирилган образларнинг рамзий тизимдаги ўрни ва уларнинг бош қаҳрамон поэтик функциясини бажариши билан боғлиқ таснифлар ҳар иккала шоир ғазалиётида келтирилган тавсифлар асосида қурилгани боис айни таснифларга таяниш ғазалда сайқал топган ишқнинг моҳиятини англашга имкон яратади.

Бобнинг иккинчи фасли “Ошиқ образи ва унинг ишқда собитлигининг поэтик функцияси” деб номланади. Навоийнинг ишқий мавзуда битилган ғазалларида беназир гўзаллик масаласи нечоғлик аҳамият касб этмасин, ундаги ишқнинг бадиий талқинида поэтик функциянинг салмоқли улушини ошиқ образи бажаради. Бу ҳол ошиқнинг лирик қаҳрамон - шоирнинг ўзи, кекса ёшдаги ошиқ, навқирон ёшдаги йигит, лирик қаҳрамон - жунунвор ошиқ, ринд- ошиқсингари хилма-хил қиёфада намоён бўлиши билан ҳам белгиланади. Ҳофиз ғазалиётидаги ошиқ образинибундай тасниф қилиш бир мунча мушкул. У ҳақдаги маълумотларнинг манқабавий моҳият касб этиши ғазалиётидаги ишораларни ҳасби ҳоли билан боғлиқ ҳолда талқин этишга имкон бермайди. А.Гулпинарли “Гуфтам – Эй султони хўбон...”, “Забони хома надорад...” ва Судий маълумотларига таяниб, хотини ва ўғлининг вафоти ҳақида битилган яна икки ғазалинигина Ҳофизнинг ҳасби ҳоли билан боғлиқлигини эътироф этади.³⁰ Ҳофизнинг ишқий мавзуда битилган

³⁰Abdülbari Gulpinarlı. Önsöz// Şirazi. Hafız Divanı. – İstanbul: Milli Eğitim Basımevi, 1992. – S. VIII.

ғазалларидаги лирик қаҳрамонни шоирнинг ўзидан ажратиш осон бўлмагани сингари ундаги маъшуканинг ҳаётини ёки тахайюлий эканлигини ҳам аниқлаш ҳам ғоят қийин. Ниҳоятда жўшқин, эҳтиросларга бой, шеърхонга завқу шавқ бағишловчи ғазаллар муаллифи бўлган шоирнинг қисматида ошиқлик эрта юз берганини тахмин этиш мумкин бўлса-да, бироқ унинг ғазалларидан бундай изларни топиш ҳам амри маҳол. Шоир ошиқликни риндлик билан бирлаштиргани боис ғазалиётининг энг асосий бош қаҳрамони поэтик функциясини ринд – ошиқ образи бажаради. Ринднинг жунунворлиги Навоийдаги фаол образ мажнун ошиқникидан қолишмайди. Навоийнинг “*Кимки ошиқ бўлса зору хастаҳол ўлмоқ керак*” шеърда ошиқликка хос асосий талаблару унинг ахлоқий сифатларининг бир ғазал доирасида бадиий талқин этилиши ҳам кам учрайдиган ноёб адабий эстетик ҳодиса саналади. Ҳажр изтироблари тасвирланган бундай ғазалларда ошиқнинг ишқида собитлиги ҳайратомуз манзараларда бадиийлаштирилади. Ундаги ишқда ўртанаётган ошиқнинг қалбидан шукроналик ҳиссининг ўрин олгани шеърхонни таажжублантиради.

Хуллас, Навоий ғазалларида илоҳсеварлик ғоялари бадиий ифодаланиб, ҳаяжонли, сершовқин, руҳий кечинмаларни ғалаёнлар ичра изҳор этувчи Мажнун сингари ошиқларга эҳтиром кўрсатилса-да, осойишта, тамкинли, гирдобларини сокин оқувчи сувлари остида яширган дарёдай ҳайбатли, вазмин, ички дарди қудратини яшира олувчи ошиқлар улуғланади.

Ушбу бобнинг (“Маҳбуб гўзаллигидан кўзланган адабий ният талқини”) учинчи фасли ошиқнинг мақсадини ифода этувчи рамзий образлар тизимида маҳбубнинг маъшуқа, ёр билан маънодошлиги, пари, гул, шам, куёш, ой, Ширин, Лайли, Узро, мирак, йигит, турки Шероз сингари образлар билан бир сирада туриши, бу образнинг турли қиёфаларда намоён бўлиши, айримлари “*ҳақиқат асрорини мажоз таврида*” ифодалаш йўсинида Аллоҳ, Муҳаммад (а.с.), пир сингари маъноларда қўлланишига бағишланади. Маҳбуб “*севгили*”, “*маъшуқа*”, “*дўст*” сингари маъноларни ифода этиш билан бир қаторда Навоий уни “*ҳақиқий сеvgили*”, “*ҳақиқий маъшуқа*”, “*ҳақиқий дўст*” кабиларни англаувчи “*маҳбуби ҳақиқий*” [14, 68] тарзида Аллоҳнинг рамзий ифодаси сифатида ҳам қўллади. Шоир “Маҳбуб ул-қулуб”да ишқ ҳам, ошиқлар ҳам маъшуқа вужуди билан барқарор эканлигини қайд этаркан, бир-бирини тақозо қилувчи бу икки жиҳатнинг бардавомлиги учун маъшуқа гўзаллиги асос бўлишини назарда тутди [14, 66] ва “*Ҳақиқатда Аллоҳ гўзалдир ва гўзалликни севади*”³¹ ояти каримаси билан фикрини қувватлантиради. Навоий ва Ҳофизнинг ошиқона ғазалиётида хусн соҳиби бўлган маъшуқа образи ошиқ сингари етакчи образлар сирасига мансуб бўлиб, унинг беназир гўзаллик соҳиби сифатидаги поэтик функцияси мажозий ва ҳақиқий ишқни бир ўзанга солиш имкониятини ҳосил қилади.

³¹Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Алоуддин Мансур. – Тошкент: “Чўлпон”, 1992. – Б. 97.

Навоий маҳбуб гўзалигидан кўзланган бундай адабий ниятини “*шўхи қаллош*”, “*одамийликда ҳуру паридан хўб бўлган инсон*” сингари маъшуканинг рамзий образларива “*Санамлар ҳуснудин мақсуд ёр ўлмиш Навоийга*” мазмунидаги мисра ва байтларида муайянлаштириб боради ҳамда бир қатор ғазалларида айни адабий ниятини деталлаштирган ҳолда байтлар кетма-кетлигида фикрни тадрижий ривожлантириб бадийлаштиради. Навоийнинг бу услуби ўзининг ва Ҳофиз ғазалиётининг муҳим қирраларини идрок этишга адабий калит поэтик функциясини бажаради. Бундай адабий калит воситасида инсоннинг комил мазҳар эканлиги, мажознинг ҳақиқатни ифодалаш учун адабий кўприк вазифасини ўташи, мутасаввиф шоирлар ғазалиётида пок ишқ инсонни маънавий камолот сари етаклаши, шу боис маҳбуб образининг беназир гўзаллик соҳиби поэтик функциясини бажаришининг моҳияти аёнлашади. Ошиқона ғазалиётда баркамол гўзаллик тасвирларининг тез-тез учраши Навоийнинг юксак бадий салоҳиятини кўз-кўз қилибгина қолмай, унга инсоний гўзалликларни, унинг воситасида Ҳақнинг лутфи, марҳаматига ноил бўлиш сирларини бадийлаштириш имконини беради. Навоий ва Ҳофиз учун малак, пари сингари образлар маъшуканинг беқиёс гўзаллигини бадий кашф этишда гўзаллик ва гуноҳлардан поклик рамзий маъносини ифодаловчи образ сифатида поэтик функция бажаради.

Диссертация тўртинчи боби “**Ошиқона ғазалларнинг анъанавий образлари**” деб юритилади. Биринчи фаслда “Пайғамбарлар ва анъанавий адабий қаҳрамонлар образи” қиёсий сатҳда ёритилади. Навоий ғазалларида Одам (а.с.), Нух (а.с.), Иброҳим (а.с.), Яъқуб (а.с.), Юсуф (а.с.), Аюб (а.с.), Шуайб (а.с.), Мусо (а.с.), Довуд (а.с.), Сулаймон (а.с.), Исо (а.с.) Муҳаммад (а.с.) каби илоҳий китобда номлари тилга олинган, шунингдек, нубувват ва валоят дарёларининг туташган ўзанида тасаввур этилувчи Хизр (а.с.) образларига мурожаат этилади. Ҳофизда булардан Аюб (а.с.) номигагина ишора кузатилмайди. Анъанавий адабий қаҳрамонлар номлари эса, одатдагидек, Навоийда миқдор жиҳатдан салмоқли бўлиб, номлар ўзгаришсизталмихга асос бўлади. Навоий ва улуғ салаф шоир ишқий ғазалларидаги пайғамбарлар образлари ўзларига тегишли қуръоний қисса ва бошқа ривоятлардаги мўъжизаларга алоқадор лавҳаларни хотирга келтириш поэтик функциясига кўра асосан маъшуканинг комил мазҳар бўла олишининг, ошиқнинг изтиробларга, баъзан шавққа тўла руҳий ҳолатининг, ишқнинг абадийлик асоси эканлигининг муболағавий тасвирлашга, шунингдек, ошиқона ғазалиётга исломий ва орифона руҳ бағишлашга хизмат қилдирилади. Хусусан, Навоий ғазалларидаги Хизр, Мусо, Исо сингари пайғамбарлар образи фаол образлар сирасига мансуб бўлиб, улар маъшуканинг илоҳий мазҳар сифатида намоён бўлишида муҳим поэтик функцияни бажарган. Бунинг учун улуғ шоиргаўзининг “*Исои руҳуллоҳ дами*”, “*Хизр нўш этган зилол*” сингариифодалари, “*Хизру Масих*”нинг радиф сифатида қўллаши, “*яди байзо*” воқеялигига ишоралари қўл келган.

Шу билан бир қаторда Навоий “*Жаҳдим андоққи етишгайманму...*” ғазалида кузатилгани сингари ошиқона ғазалда васф этилувчи манзар тимсолида севикли ва Муҳаммад (а.с.) маъноларини бирлаштириб, ғазалда тағмаъно ифодаси воситасида поэтик кўпмаънолилиқни таъминлайди ва қуръоний қаҳрамонлар образидан ижодий фойдаланиб, ундаги исломий нурни ҳис эттиради. Ишқий ғазаллардаги Ахриман, Жамшид, Фаридун, Баҳром, Хусрав, Кайхусрав, Доро, Искандар сингари тарихий-мифологик ҳукмдорлар, Вомиқ ва Узро, Лайли ва Мажнун, Фарҳод ва Ширин каби севишганлар образлари ҳам талмиҳ бадиий санъатига асос бўлиб, шеърхон хотирасига ўзлари билан боғлиқ адабий лавҳаларни тиклаш поэтик функциясини бажаришга хизмат қилдирилади. Пайғамбарлар ва бу анъанавий адабий қаҳрамонлар образлари орасидаги бундай вазифадошлиқ ишқий ғазалларда уларнинг икки ва ундан ортиқларини мувозий – ёндош қўллаш билан баъзан драматизмни оширишга, баъзан эса таъриф-тавсифларни авж нуктага кўтаришга хизмат қилдирилади. Қизиғи шундаки, пайғамбарлар ва адабий қаҳрамонлар образларининг ёндош қўлланишида макон ва замон мувофиқлиги эмас, балки улар билан боғлиқ адабий лавҳалардаги маъно жиҳатдан яқинлигу зидлик мазмуни асос бўлиб хизмат қилади. Бу жиҳатдан Навоийнинг ишқий ғазалиёти алоҳида эътиборга моликлиги билан бошқа шоирлар ижодидан ажралиб туради. Навоий ишқий ғазалларга орифона ва ижтимоий руҳ бағишлаш, контраст тасвирни ҳосил қилиш ниятида Мажнун ва Фарҳод образлари қаторига ўрни-ўрни билан Жамшид, Афридун, Хусрав Парвезга ўхшаш тарихий-мифологик ҳамда Қорун сингари қуръоний қаҳрамонлар образларига мурожаат этади.

Хуллас, Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” таркибидаги 310 та ғазалида пайғамбарлардан Исо (а.с.) образига, 260 та ғазалда Мажнунга талмиҳ қилгани ҳолда салаф шоирда бу миқдорнинг энг кўпи Суламон (а.с.)га нисбатан 32 ўринда кузатилганлигининг ўзиёқ улуғ ўзбек шоирининг тамихдан фойдаланишдаги бадиий маҳоратининг бошқа шоирларда кузатилиши ниҳоятда қийин бўлган адабий ҳодиса эканлиги равшанлашиб қолади.

Бобнинг (“Маънавий етуклик тимсоллари ва ўзаро зидланувчи образлар”) иккинчи фаслида Навоий ва Ҳофиз ғазалиёти мисолида ошиқу ринд, ишқу май, гадо сингари образлар билан ўзаро зидланувчи образлар ва соқий, дайр пири, муғбача каби маънавий етуклик тимсолларининг поэтик функцияси тадқиқ этилади. Навоий ва салаф шоирнинг ишқий мазмундаги ғазалларига орифона руҳ бағишлашда ирфон аҳлига мансуб соқий, дайр пири, пири муғон, муғбача сингари маънавий етуклик тимсоллари қаторида ишқу май билан зидланувчи ақл, хирад, хирадманд, оқил; ошиқу ринд билан парадокслиқни юзага келтирувчи - шайх, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид ҳамда гадо, ринд қаландар билан қаршиланувчи шоҳ сингари образларга ниҳоятда муҳим поэтик функция юкланади. Ушбу образлар ошиқона ғазалиётнинг энг муҳим мавзуларидан бири бўлган ошиқ ҳоли бадиий ифодасининг аниқлаштиришида, зиддиятли бадиий кашфиётлар ҳосил қилишда, қарашлар

тўқнашувидаги кескинликни кучайтиришда, шеърхонга кучли эҳтирос бағишлашда Навоий ва салаф шоирга ниҳоятда қўл келган.

Ошиқона ғазалиётдаги парадоксликни ҳосил қилишда, илоҳий сирларни англашда ишқу майга таянувчи соқий ва унинг поэтик функциядошлари саналган дайр пири, пири муғон, муғбача каби образларга нисбатан ўзида хайрихоҳлик ҳосил қилувчи, уларга эргашувчи ошиқ, ринд баъзан гадо сингари бадий тимсолларга ақлу хирадни устун қўювчи шайх, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид, шоҳ каби образлар зидлиги муҳим аҳамият касб этади. Айни чоқда ишқу май ва ақлу хирад ҳам зидланувчи образлар сифатида намоён бўлиб, хирадманд, оқил сингари образларни ҳам вужудга келтиради. Ошиқона ғазалиётда ошиқнинг ҳажр изтиробларидан қутулиши, кўнглига ишқ ҳаловатининг бахш этилиши, уни илоҳий файздан сархуш ҳолга келтириш-у, саҳв ҳолига қайтариш сингари руҳий-маънавий ҳоллари бадий тасвирида шундай поэтик функцияни бажаришда фаол иштирок этувчи соқий ва унинг маслағидаги дайр пири, муғбача сингари образларнинг бадий вазифаси Навоий ва салаф шоир ғазалларида яққол намоён бўлади. Бунда май, ошиқ томонидан унга аралаштирилиши талаб этилувчи афюн сингари бадий тимсоллар соқий ва унга поэтик вазифадошлик қилувчи образларнинг маънавий етуклик тимсоли сифатида талқин этилишига омил бўлади. Айни чоқда ишқу майнинг моҳиятини тўла англаб етмаган шайх, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид сингари образлар билан маънавий етуклик тимсоллари яширин зидликни ҳосил қилади.

Навоий ва Ҳофиз ғазалиётидаги ошиқ ақлу хирад ва унга таянувчи оқилу хирадмандни тамомила инкор қилмайди. Бироқ салаф шоир ижодидаги ринднинг табиатида жунунворлик бўлгани боис, табиийки, у майга кўпроқ таянади. Навоий ғазалиётида лирик қаҳрамон ошиқ битта бўлгани ҳолда салаф шоирда улар бапарво риндлар қиёфасида намоён бўлади. Улардаги беғамлик, майдан сархушлик ҳоллари бадий талқинида Ҳофиз риндлар билан яширин зидлик ҳосил қилувчи образлардан фойдаланиб, оксиморонларда зидликни ифодалайди. Бу ҳол шоирга шайх, мухтасиб сингари образларга муносабатда бир оз бўлса-да, мўътадилликни таъминлашга имкон ҳосил қилади. Навоий ҳам ўрни билан оксиморондан фойдаланади, бироқ унда риндларни эслатувчи образ май талаб этувчи жунунвор ошиқ сифатида намоён бўлади. У риёкор шайх, нафсига қул фақиҳу носих, ишқу майни инкор этувчи зоҳид, ҳашамату зебу зийнатга ўч шоҳ билан чиқиша олмайди.

Хуллас, Навоийнинг ошиқона ғазалиётига хос драматик конфликтлар ғазал байтларида ифодаланибгина қолмай, ўзаро зидланувчи образлар воситасида парадокслик билан зийнатланган ғазалларни вужудга келтиради.

Ишнинг бешинчи боби **“Ошиқона ғазалларнинг композицион ва лингвопоэтик хусусиятлари”** деб юритилади. Биринчи фаслда “Ошиқ-маъшуқ тимсоллари ифодалари: истиора, ташбих, эпитет, тансиқ ус-сифот”га эътибор қаратилади. Шарқ мумтоз поэтикасида эътироф этилган бадий-

тасвирий воситалар тармоқлари билан ҳисоблаганда, 220 дан ортиқ³² микдорни ташкил этади. Булардан ижодкор адабий ниятини бадиий ифодалашда истиора, ташбеҳ, эпитет (сифатлаш) ва тансиқ ус-сифот энг кўп мурожаат этилган бадиий санъатлар сирасига киради. А.Фитрат ижодкор услубининг хусусий ҳоллари ҳақида фикр юритаркан, дастлаб сифатлаш, ўхшатиш, истиорани тилга олиб, кейинчалик улар сирасида жами 20 га яқин бадиий санъатни санаб ўтгани ҳам³³ фикримизни қувватлантиради. Ё.Исҳоқов Навоий лирикасида ишлатилган асосий санъатларни шеърини матн доирасидаги функцияси билан боғлиқ характерини назарга тутган ҳолда 10 га тасниф этади. Бу тасвирий ифодалар улардаги дастлабки учталликдаги бадиий санъатлардирки³⁴, бу ҳам Навоийнинг мазкур поэтик ифодаларга энг кўп таянганидан далолат беради. Ҳофизнинг ошиқона-риндона ғазалиётида ҳам айни ҳолат кузатилади. Шу боис улар ҳар иккала шоир ғазалиётидаги асосий образлар бўлган ошиқ ҳолининг бадиий ифодаси ва маъшуқанинг комил мазҳар сифатидаги таърифу тавсифларида кенг қўлланилади. Айниқса, бундай фаоллик Навоийга хос матладаги истиоралашган парий, ой синагари маъшуқа образининг мақтага қадар тадрижий ривожлантирилишига хос хусусиятдир. Ошиқ ҳолининг жунунвор тасвирини муболағали ифодалашда Навоийнинг самовий тимсоллар воситасида бадиий кашфиётлар яратиши улуғ шоир тафаккур уфқининг бениҳоя кенглигидан ва ушбу бадиий-тасвирий воситалардан юксак санъаткорлик билан фойдаланганлигидан далолат беради.

Ошиқона ғазалларнинг кўпчилигига хос муҳим хусусиятлардан бири уларнинг матласидаги II шахс бирликдаги эгалик қўшимчасини олган сўз “сен” кишилиқ олмошига қарашли бўлиб, бу олмош асосан маъшуқани, Ҳофизнинг риндона ғазалларида эса кўпмаъноликни ҳосил қилиб, биратўла маъшуқа ва соқийни ифодалайди. Кейинги байтларда эса бу олмош Навоийда ой, қуёш, салаф шоирда эса сарв, зулфи илони сингари истиоралашган маъшуқа образи билан ўрин алмашиб, танланган бадиий тимсоллар билан алоқадор истиораи изофий, ташбих, эпитетлар воситасида эҳтиросли бадиий кашфиётлар ҳосил қилинади. Айни чоқда бу тасвирий ифодалар шоирга ғазалдаги ошиқона руҳни кучайтириш ёки унга орифона руҳ бахш этишга ниҳоятда қўл келади. Навоийнинг ошиқона ғазалиётидаги маъшуқага хос эпитет ва тансиқ ус-сифотларнинг истиоралашуви натижасида ҳосил қилинувчи бадиий манзаралар ҳам диққатга сазовор. Салаф шоир ғазалиётида Навоийда кузатилгани сингари бундай таъриф-тавсифу ундан таъсирланган ошиқ ҳоли тасвирига бағишланган ғазаллар салмоғи кўпчилиқни ташкил этмаса-да, улуғ шоирнинг “Он сияҳчарда, ки *ширини*

³²Болтабоев Ҳ. Бадиий санъатлар талқини//. Шарқ мумтоз поэтикаси манбалари. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат нашриёти, 2008. – Б. 224.

³³Фитрат А. Адабиёт қоидалари. Танланган асарлар IV жилд. Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар. –Тошкент: “Маънавият”, 2006.– Б. 50-53.

³⁴Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: “Фан”, 1983. – Б. 106-107.

олам бо ўст” сатри билан бошланувчи ғазали бу услуб ҳам Ҳофиз учун бегона эмаслигига қаноат ҳосил қилдиради.

Навоийнинг ошиқона ғазаллари орасида шундай намуналар учрайдики, уларда қофиядошликни ҳосил қилувчи сўз, жуфт сўз ва изофалар маъшуқага хос эпитетлардан таркиб топади. Айни чоқда бу эпитетлар истиораллашиб, ғазалда ўзига хос ички композицион тузилиш ҳосил қилади. Шоирнинг “*Менмудур менким сенинг васлинг муяссардур манга, Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга*” 8 байтли ғазалининг тенг ярмида, “*Субҳ еткурди сабо гулбарги хандон муждасин, Ё кўнгил топти Масиҳ анфосидин жон муждасин*” 7 байтли ғазалдаги тамсилий манзаралар ҳам инobatга олинганда, уларнинг барчасида, “*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт*” мисраси билан бошланувчи ғазал эса бошдин охир ана шундай ўзига хос навоиёна услубда ёзилгани билан ажралиб туради.

Бобнинг иккинчи фасли “Навоий ошиқона ғазалларининг бадий қурилишига оид ўзига хосликлар” деб номланади. Ё.Исҳоқов: “... поэтикага доир асарларда қайд этилган ва уларда учрамайдиган юзлаб поэтик воситаларнинг ранг-баранг поэтик жилосини биз Навоий ғазалиётида кузата оламиз”³⁵, - дея эътироф этади. Масаланинг айни жиҳати билан келиб чиқиб, ишда сўз такрорига алоқадор тасвирий воситалар ва қофия санъатлари³⁶ асосида вужудга келган улуғ шоир ошиқона ғазалларининг бадий қурилишига оид айрим ўзига хосликларни муайянлаштирилди. Ҳофизнинг “*Гуфтам: “Ғами ту дорад”, Гуфто: “Ғамат сар ояд*” [Ҳофиз, 289] сатри билан бошланувчи савол-жавоб услубидаги ғазали Хуршид таржимаси³⁷ билан солиштирилганда, улардаги байтлар миқдори тенг бўлса-да, бироқ тартибида сезиларли даражада ўзгариш вужудга келганлиги кўзга ташланади. Шундай бўлса-да, ғазалдаги умумий мазмун сақланиб қолган. Ҳофиз ижодига хос ғазалда байтларнинг мазмунан ўзаро боғланмаганлигини тожик адабиётшуноси А.Мирзоев ғазалнинг асосий ижобий хусусияти, деб баҳолайди.³⁸ Навоий ўзига қадар, хусусан, Ҳофиз ва Лutfий ғазалиётидаги савол-жавоб услубида битилган ғазаллардан хабардор бўлгани ҳолда бу услубни поэтик сюжетли “Жонға чун дермен” ғазалида ўзига хос йўсинда қўллаб, аввало, ошиқ ва маъшуқа орасидаги савол-жавобни поэтик сюжет қахрамонлари орасидаги савол-жавобга айлантириб, ғазал байтларини мантиқан бир-бирига боғлашга эришди. Улуғ шоир лафзий санъатлар сирасига киритилган тарди аксга бошқаларига нисбатан кўпроқ мурожаат этади. Бу ҳол унинг маънога таъсир қилишига ҳам боғлиқ кўринади. Буни теран англаган шоир “*Кўзинг не бало қаро бўлуптур*”, “*Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур*” сингари ошиқона ғазалларида тарди акснинг

³⁵ Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. – Б. 64.

³⁶ Қаранг: Ҳожаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: “Шарқ” нашриёт матбаа концерни бош тахририяти, 1999. – Б. 218-237.

³⁷ Шамсуддин Муҳаммад Ҳофиз Шерозий. Ғазаллар. – Тошкент: Ўзбекистон, 1958. – Б. 77.

³⁸ Қаранг: Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. – Тошкент: “Фан”, 1961. – Б. 90-91.

шаклига кўра ҳам комил, ҳам махраж, маънавий хусусиятига кўра мужрий ва мутаҳодий навъларидан, шунингдек, сўз такрори ва тавзеъ бадий санъатидан ниҳоятда моҳирлик билан фойдаланиб, ошиқона ғазалнинг ғоявий-бадий жиҳатдан мукамал, ўзига хос бадий қурилишга эга бўлган намуналарини ижод этди.

Навоий ҳазажи мусаммани солим, ражази мусаммани солим ва рамали мусаммани маҳзуф вазнларида мусажжаъ ғазаллар ижод этиб, ички қофия ва радифлардан ижодий фойдаланди. Айниқса, унинг рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган, мусажжаъ ғазал сифатида ўзига хос қофияланиб, ички радифга эга бўлган, мақтадан олдинги мисрагина очик қолдирилиб, қолган мисралар ўзаро қофияланган, мақтаси радд ул-матлаъ санъати билан зийнатланган ўзига хос бадий қурилишга эга, тавсифий мазмунда битилган “*Қоши ёсинму дейин*” ғазали ошиқона ғазалнинг энг нодир намуналаридан бири бўлиб қолди.

ХУЛОСА

1. Жаҳон халқлари бадий адабиётини беаб келган ишқ мавзуси туркий халқлар учун ҳам ниҳоятда қадимийдир. Бу мавзу мусулмон минтақа халқлари адабиётидаги, хусусан, Ҳакни таниш билан бирга Унинг “*кунуз*”и – яширин бойликлари, сирларига ошно тутилган Фаридуддин Аттор, Жалолиддин Румий, “*ҳақиқат асрорига мажоз тариқин маҳсул қил*”ган Саъдий Шерозий, Хусрав Дехлавий, Заҳируддин Санойй, Шайх Авҳадуддин, Ҳофиз Шерозий, “*мажоз тариқи адоси назмига золиб*” бир қатор салоҳиятли сўз санъаткорлари, “*ҳар услуб шеърда жаҳонгир*” саналган Абдурахмон Жомий, туркий адабиётнинг Хоразмий, Атойи, Саккокий, Лутфий сингари фасоҳату балоғат соҳибларининг сўз сеҳри билан боғлиқ бой адабий анъаналаридан илҳомланган Алишер Навоийнинг ошиқона ғазалларида навоиёна нуктадонлик билан такомиллаштирилди. Бу ошиқона ғазалларда ишққа хос эстетик завқу шавқ, инсоннинг комил илоҳий мазҳарлиги, чинакам ошиқ ва маъшукқа хос юксак инсоний фазилятлар, илоҳий маърифат асрори кабилар бадий ифодалангани боис бугунги глобаллашув жараёнида унга эҳтиёж ошиб бормоқда.

2. Навоий ғазалиётидаги ишқ мавзуси генезисининг, аввало, иймон келтирганларнинг Аллоҳга бўлган муҳаббати ҳақидаги ояти карима (“Бақара”, 165) билан алоқадорлиги, шунингдек, Муҳаммад (с.а.в.)нинг Ҳиро тоғида тоат-ибодат билан машғул бўлганликларига бориб тақалиши унинг ирфоний моҳият касб этишининг муҳим омилидир. Бу мавзунинг муҳим жиҳатларидан бири бўлган ошиқнинг маъшукасига фоний бўлиши учун ҳам пайғамбар алайҳис-саломнинг ҳадислари ва Ҳақ ризолиги йўлида олиб борган фаолиятлари асос вазифасини ўтаган. Хусусан, “*Мен макорим ул-ахлоқни (гўзал ахлоқни) мукамаллаштириши учун юборилдим*” ҳадисларини ибратли ҳаёт тарзларида буни исботлаганликлари ирфоний ишқда поклик

тамойилигининг барқарорлашувига замин ҳозирлади. Ошиқона ғазалиётда ишққа нисбатан қўлланган “пок” сифати унинг ирфоний мазмунга алоқадорлигидан дарак бериб, аввало, “макорим ул-ахлоқ”ни англатди.

3. Навоий ўзбекча ғазаллари ва салаф шоир Ҳофиз ғазалиётидаги ишқ мавзуси қиёсий-типологик сатҳда ўрганилганда, ишқдаги поклик воситасида юксак инсоний сифатлар: ўзликни таниш, инсон деган шарафли номга муносиб бўлиб яшаш, шунингдек, ноёб фазилатлар соҳиби бўлишга даъват этилиши аёнлашиб қолади. Уларнинг ошиқона ғазалиётидаги ишққа берилган таъриф, тавсиф ва таснифлар эса бир-бирини тўлдириб, такомиллаштириб, буюк мутафаккирларнинг ишққа оид ирфоний-фалсафий қарашларини теран англашга имкон яратади.

4. Навоий ва Ҳофизнинг ошиқона ғазалиётида шухудий тавҳид ғоясига таянилган ҳолда борлиққа айрича бир тажаллиёт маскани сифатида қаралади. Ҳар иккала шоир айни мантиқдан келиб чиқиб борлиққа нисбатан зоҳидона қарашларни ёқламайди ва бу Навоийда кўпроқ ошиғу зоҳид зидлигини ҳосил қилса, Ҳофизда ринду зоҳид қарама-қаршилигини пайдо қилиб, Аллоҳга хос сифатлар шухудий тавҳид ғояларига таянилган ҳолда борлиқдан изланади ҳамда моддий оламга муҳаббат билан муносабатда бўлинади. Борлиқнинг ўзгача муқаддаслик касб этиши бу улуғ шоирлар ғазалиётида шеърда ифодаланган муайян тасвирнинг моҳиятини аниқлаштириш учун борлиқдан тамсиллар танлашга ундайди. Бу тамсиллар ирфоний ғояларни муайянлаштиришга қаратилгани боис ишқ мавзусининг кўлами кенгайиб боради.

5. Навоий нақшбандиёна “хуш дар дам”ни мақтаб ва мажозни ҳақиқатга айлантирувчи кўприк поэтик функциясидаги мақтадан олдинги байтда келтириб, тағмаънода тариқат ғоясини шеърхонга ҳис эттиради ва байтда кўпмаъноликни вужудга келтиришга муваффақ бўлади. Тариқат ғояси бадиий ифодасининг ғазалдаги бундай ўрни шоирга ғазалнинг олдинги байтларидаги бадиий лавҳалар воситасида шеърхон туйғуларини жунбушга келтириб, пайт пойлаб турган сингари ўзига хос услубини намоён этишида қўл келади.

6. Навоий ва Ҳофизнинг ошиқона ғазалларига хос образларнинг рамзий тизимдаги ўрни ва уларнинг бош қаҳрамон поэтик функциясини бажариши билан боғлиқ таснифлар, шунингдек, улардаги турли қиёфаларда намоён бўлувчи ошиқ образининг поэтик функциясида фарқлиқларнинг кузатилмаслиги ҳар иккала шоирнинг ишқий мавзуда ғазаллар битишда ўзаро маслакдошлигини, услубда яқрамлигини билдиради. Бироқ Ҳофизда лирик қаҳрамон – ошиқнинг шоирнинг ўзи қиёфасида намоён бўлишини аниқлаш бир оз мушкул, кўпинча ошиқнинг ринд – ошиқ, хусусан риндлар тимсоли салаф шоир ғазалларига хос. Навоийда ошиқ, баъзан ринд, Ҳофизда эса ринд ориф сифатида намоён бўлади. Ишқий ғазаллардаги айни ҳолат иккала буюк шоирнинг Аллоҳнинг маърифатидан бохабарлигини англатади.

7. Ҳижрон ошиқона ғазалиётдаги муҳим мотивдир. Навоийда ҳажр изтиробларини деталлаштирилган ҳолда тадрижий ривожлантириш поэтик ҳодисаси устуворлик қилади. Бунинг учун ошиқ ишқида собит бир қиёфада поэтик функция бажаради. Ҳофизда эса ишқдан сархуш бўлиш ҳажр қийноқларини енгишнинг омили саналиб, изтироблар тасвири жўшқинлик билан тез-тез ўрин алмашиб туради. Навоийда бундай тасвирлар Ҳофиз услубини эслатувчи лирик қаҳрамон ринд – ошиқ поэтик функциясидаги ғазалларда кузатилади. Навоий ва Ҳофизнинг ошиқона ғазалиётида ҳусн соҳиби бўлган маъшуқа образи ошиқ сингари етакчи образлар сирасига мансуб бўлиб, унинг беназир гўзаллик соҳиби сифатидаги поэтик функцияси мажозий ва ҳақиқий ишқни бир ўзанга солиш имкониятини ҳосил қилади.

8. Пайғамбарлар ва анъанавий адабий қаҳрамонлар образларига хос шеърхон хотирасига ўзлари билан боғлиқ адабий лавҳаларни тиклаш поэтик функцияси Навоий ва салаф шоир учун ошиқ ҳоли билан боғлиқ ҳижрон изтиробларини ўта муболағавий тасвирлаш, ражо - умидворлик ҳолини бадиийлаштириш, бундай вазифадошлик ишқий ғазалларда уларнинг икки ва ундан ортиқларини мувозий – ёндош қўллаш билан баъзан драматизмни оширишга, таъриф-тавсифларни, авж нуктага кўтаришга, ғазалга орифона мазмун беришга хизмат қилдирилади. Навоий Ҳизру Масих, Жамшид билан боғлиқ рамзий моҳият касб этган мифологик тасаввурлар, Фарҳод ва Ширин, Лайли ва Мажнунга оид анъанавий адабий лавҳаларни шеърхон хотирасига тиклаш билан маъшуқа тимсолида комил илоҳий мазҳарни ғазалда поэтик ифодалашга эришади.

9. Навоий ва салаф шоирнинг ишқий мазмундаги ғазалларига орифона руҳ бағишлашда ирфон аҳлига мансуб соқий, дайр пири, пири муғон, муғбача сингари маънавий етуклик тимсолларидан унумли фойдаланилади. Драматизм ифодасида эса ишқу май билан зидланувчи ақл, хирад, хирадманд, оқил; ошиқу ринд билан парадоксликни юзага келтирувчи шайх, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид ҳамда гадо, ринд қаландар билан қаршиланувчи шох сингари образларга ниҳоятда муҳим поэтик функция юкланади. Бундай парадоксликни ҳосил қилишда ошиқ, ринд баъзан гадо сингари бадиий тимсолларга ақлу хирадни устун қўювчи шайх, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид, шох каби образлар зидлиги муҳим аҳамият касб этади. Айни чоқда ишқу май ва ақлу хирад ҳам зидланувчи образлар сифатида намоён бўлиб, хирадманд, оқил сингари образларни ҳам вужудга келтиради. Шунингдек, ишқу майнинг моҳиятини тўла англаб етмаган шайх, фақиҳ, мухтасиб, зоҳид сингари образлар билан маънавий етуклик тимсоллари яширин зидликни ҳосил қилади.

10. Навоий ва Ҳофиз ғазалиётидаги ошиқ ақлу хирад ва унга таянувчи оқилу хирадмандни тамомила инкор қилмайди. Бироқ салаф шоир ижодидаги ринднинг табиатида жунунворлик бўлгани боис, табиийки, у майга кўпроқ таянади. Навоий ғазалиётида лирик қаҳрамон ошиқ битта бўлгани ҳолда салаф шоирда улар бапарво риндлар қиёфасида намоён бўлади. Улардаги

беғамлик, майдан сархушлик ҳоллари бадиий талқинида Ҳофиз риндлар билан яширин зидлик ҳосил қилувчи образлардан фойдаланиб, оксиморонларда зидликни ифодалайди. Бу ҳол шоирга шайх, мухтасиб сингари образларга муносабатда бир оз бўлса-да, мўътадилликни таъминлашга имкон ҳосил қилади. Навоий ҳам ўрни билан оксиморондан фойдаланади, бироқ унда риндларни эслатувчи образ май талаб этувчи жунунвор ошиқ сифатида намоён бўлади. У риёкор шайх, нафсига қул фақиҳу носих, ишқу майни инкор этувчи зоҳид, ҳашамату зебу зийнатга ўч шоҳ билан чиқиша олмайди. Натижада Навоийнинг ошиқона ғазалиётига хос тадрижли драматик конфликтлар шундай зидликни ҳосил қилувчи образлар воситасида пададокслик билан зийнатланган ғазалларни вужудга келтиради.

11. Навоий ва салаф шоир Ҳофизнинг ошиқона-риндона ғазалиётдаги истиора, ташбих, эпитет, тансиқ ус-сифот сингари энг фаол бадиий-тасвирий ифодалар маъшуканинг комил мазҳар сифатидаги таърифу тавсифларида кенг қўлланилади. Айниқса, Навоийга хос матладаги истиоралашган парий, ой синагари маъшуқа образининг тадрижий тасвирида, шунингдек, матлада “сен” кишилиқ олмоши воситасида маъшуқа назарда тутилган ғазалларнинг кейинги байтларида бу олмошнинг ой, қуёш, сарв сингари истиоралашган маъшуқа образи билан ўрин алмашиб, танланган бадиий тимсоллар билан алоқадор ёпиқ истиора, ташбих, эпитетлар воситасида эҳтиросли бадиий кашфиётлар ҳосил қилинганида, аввало, инсоннинг улуғланиши кузатилади. Навоийна бадиий кашфиётлар эса шоир тафаккур уфқининг бениҳоя кенглигидан эстетик завқ олиш, ошиқона ғазалга бағишланган орифона руҳ билан илоҳий маърифатни англашга имкон яратади.

12. Навоий истиоралардан ниҳоятда усталик билан фойдаланади. Улуғ шоир маъшуқага хос эпитет ва тансиқ ус-сифотларни истиоралаштириш билан кифояланмай, улардан қофиядошликни ҳосил қилишда ҳам фойдаланади. “*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимга айт*” ғазали бошдин охир ана шундай ўзига хос навоийна услубда ёзилгани билан ажралиб туради. Шоирнинг “*Жонга чун дермен...*” ғазалидаги поэтик сюжетга хос бошланма, воқеалар ривож, воқеяликни кескин тус ола бошлаши, кульминацион нуқта, ўзига хос ечим ва мақтада воқеяликдан чиқарилган хулоса унсурларини ўзи инкишоф этган қаҳрамонлараро савол-жавобга таяниб, тадрижийликни юзага чиқаргани юксак санъаткорликнинг бир намунасидир. Бу билан у ошиқона ғазални ўзига хос бадиий қурилиш билан тадрижий ривожлантиради.

13. Шоирнинг бундай маҳорати тарди аксининг шаклий ва маънавий навълари, тавзеъ ва тақрирдан маҳорат билан фойдаланган “*Кўзинг не бало қаро бўлуптур*”, “*Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур*” ғазалларининг ўзига хос бадиий қурилишида ҳам намоён бўлган. Шунингдек, у ҳазаж, ражаз ва рамал баҳрларида битилган мусажжаъ ғазаллари, айниқса, рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган, мусажжаъ ғазал сифатида ўзига хос қофияланиб, ички радифга эга бўлган, мақтадан олдинги

мисрасигина очик қолдирилиб, қолган мисралар ўзаро қофияланган, мақтаси радд ул-матлаъ санъати билан зийнатланган, тавсифий мазмунда битилган “Қоши ёсинму дейин” ғазали билан ошиқона ғазалнинг ўзига хос бадий қурилишини кашф этди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. FiI.02.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭШОНКУЛОВ ХУСНИДДИН ПИРИМОВИЧ

**СОПОСТАВИТЕЛЬНО-ТИПОЛОГИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ПОЭТИКИ
СТРАСТИ В ПОЭЗИИ АЛИШЕРА НАВАИ
(на примере произведения “Хазойин ул-маоний”)**

10. 00. 02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА (DSc) ФИЛОЛОГИЧЕСКИХ НАУК**

Самарканд – 2020

Тема диссертации доктора наук (DSc) зарегистрирована под номером B2020.1.DSc/Fil102 в Высшей Аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан.

Диссертация выполнена в Бухарском государственном университете.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) выложен на веб-странице Научного совета www.samdu.uz и на Информационном образовательном портале “ZiyoNet” (www.ziyo.net).

Научный консультант:	Мухиддинов Муслихиддин Кутбиддинович Доктор филологических наук, профессор
Официальные оппоненты:	Эркинов Афтондил Садирхонович Доктор филологических наук Кобилов Усмон Уралович Доктор филологических наук Фунда Топрак Доктор филологических наук, профессор
Ведущая организация:	Институт узбекского языка, литературы и фольклора АН Республики Узбекистан

Защита диссертации состоится “ ” 2020 года в “ ” часов на собрании Научного совета DSc.03/30. 12.2019.Fil.02.03 по присуждению научных степеней при Самаркандском государственном университете, (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40, 239-18-92; факс: (8366) 239-11-40; e-mail: rector@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Главный учебный корпус, аудитория № 105.

Диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под номером _____). (Адрес: 140104, г.Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел: (8366) 239-11-40).

Автореферат диссертации разослан “ ” 2020 года
(Протокол реестра № _____ от “ ” 2020 года).

Ж.Хамраев
Заместитель председателя Научного
совета по присуждению научных
степеней, д.ф.н.

А.Б.Пардаев
Секретарь Научного совета по
присуждению научных
степеней, д.ф.н.

Б.Юлдошев
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению
научных степеней, д.ф.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора наук (DSc))

Актуальность и необходимость темы диссертации. В мировом литературоведении художественно-тасаввуфская интерпретация страсти, ее духовно-воспитательная роль в обеспечении духовного совершенствования человечества, его значение, в частности значительное влияние закономерностей и эстетического опыта связанных с ее художественным совершенствованием в поэзии великих поэтов на приобретение ею общемирового статуса в литературе народов мусульманского региона всегда находилось в центре внимания востоковедов. Это имеет важное значение для решения традиционных проблем интерпретации страсти в тасаввуфской литературе, определения критерием ее появления и развития, выявления типологических и специфических признаков поэтики страсти в творчестве Алишера Наваи на плоскости современного глобализированного научно-теоретического мышления.

В мировом литературоведении большое внимание уделяется сравнительно-типологическому изучению символично-образного выражения высоких человеческих идей в произведениях знаменитых авторов в контексте мировой литературы. В связи с этим, весьма актуальной проблемой считается выявление места произведений поэта, который признан автором общечеловеческого масштаба, в развитии мирового художественного мышления, определение передачи исламско-тасаввуфских идей в соответствие с художественными критериями востока, а также более глубокое раскрытие мистического содержания, эстетического значения, композиционного и лингвопоэтического, традиционного и стилистического своеобразия каждого произведения, посвященных страсти.

Независимость нашей страны дала возможность изучить и пропагандировать национальное достояние, в частности богатое литературное и научное наследие наших великих предков, которые известны всему миру. В результате этого был открыт более обширный путь к глубокому изучению тасаввуфских аспектов творчества гордости нашего народа Алишера Наваи. В совершенно новом русле развивается история наваиведения, которая переходила из века в век. "...Внимание к литературе и искусству, культуре – это прежде всего внимание к нашему народу, внимание к нашему будущему, как говорил наш великий поэт Чулпон, мы не имеем права забывать, что нация может жить если живут литература и культура"³⁹. Это ставит задачу дальнейшего увеличения наших достижений в области классификации, публикаций, контекстуального анализа, историко-биографических, сравнительно-исторических, сравнительно-типологических исследований литературы и искусства.

Данное диссертационное исследование в определенной степени окажет практическое содействие выполнению задач, отраженных в Указе Президента

³⁹Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир” мавзусида Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

Республики Узбекистан УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, Постановлении Президента Республики ПП-1292 «Об организации фонда "Ижод" при Союзе Писателей Узбекистана» от 26 февраля 2010 года, Постановлениях Президента Республики Узбекистан ПК-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, ПП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, ПП-3271 «О программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» от 13 сентября 2017 года и других нормативно - правовых документах относительно данной сферы деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий в республике. Данная диссертация выполнена в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий Республики Узбекистан: 1. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики».

Комментарии зарубежных научных исследований по теме диссертации.⁴⁰ Литературное источниковедение и текстология, на основе теоретических и практических принципов их контекстуального анализа проблемы сравнительно-типологического, сравнительно-исторического, биографического исследования источников литературного наследия жизни авторов находились в центре исследований ведущих мировых научных центров и высших учебных заведений, таких как Istanbul Üniversitesi (Турция), Балхский государственный университет (Афганистан), University of Washington Press (США), Институт востоковедения Российской академии наук, Казанский государственный университет, Казахский национальный университет (Казахстан), Институт рукописей Академии наук Азербайджана, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН Узбекистана, Ташкентский государственный институт востоковедения, Международная исламская академия Узбекистана,

⁴⁰ Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи <https://litva.info.Book.page-75>, <https://bulletin-history.kaznu>; https://scribble.su/school_literature; <https://dic.academic.ru>, <https://www.istanbul.edu.tr/http://www.washington.edu/>, <http://www.uva.nl/en/home/>, <http://london.ac.uk/>, <http://www.uop.edu.pk/>, www.ivran.ru <http://elm/az/>, <http://elm/az/>, www.navoiy-uni.uz; Edward ALLWORTH. Uzbek literary politics. – London-Paris, 1964. – P.29; A. Zeki Velidi Toğan. Bugünkü Türk ili: Turkistan ve yakın tarihi. – Istanbul, 1981. – B.501; Janos Eckmann. Harezmi, kıpçak ve çagatay türkçesi üzerine araştırmalar. – Ankara, 1996. – B.209; Philologiae turcicae fundamenta. Wisbaden, Tomum secundum, 1965.

Государственный музей литературы имени Алишера Навои и Самаркандский государственный университет (Узбекистан).

В мировой литературной текстологии и источниковедении в результате исследований, направленных на изучение литературного наследия Алишера Навои, в частности его эпосов и газелей, приобретен ряд следующих научных результатов: в том числе, обобщена биография поэта, сведения о содержании его произведений, на основе публикаций в Узбекистане переведены его произведения и изданы в виде сборника (Институт восточных рукописей в Санкт-Петербурге (Россия), (Z.Bünyadov adına Şərqsünaslıq İnstitutu (Азербайджан), проанализирована лирика поэта (University of Washington Press (США), Istanbul Üniversitesi (Турция), Humbolt University of Berlin (Германия), определена система новейшего методического подхода к вопросу отношения к истории и интерпретации текста в литературных источниках University of Amsterdam (Нидерландия), (Институт Востоковедения АН России (Россия), Казахский национальный университет (Казахстан), Кыргызский национальный университет (Кыргызстан), Istanbul Üniversitesi (Турция), обосновано достижение фундаментального уровня исследований относительно источников классической литературы на основе научно-критического текста (Istanbul Üniversitesi (Турция), Ташкентский государственный институт востоковедения, Институт узбекского языка, литературы и фольклора при АН Узбекистана, Государственный музей литературы имени Алишера Навои при АН Узбекистана, Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы имени Алишера Навои).

В области мирового литературного источниковедения и текстологии исследования по целостному системному изучению классических литературных источников проводятся по следующим приоритетным направлениям: история текста определенного произведения и проблема редактирования текста; творческая лаборатория поэта; каллиграфическая история литературного произведения; сравнительно-текстовый анализ рукописных источников; формирование научно-критического текста определенного произведения.

Степень изученности проблемы. Проблемы суфийской литературы в мировом литературоведении рассматривались такими литературоведами и востоковедами Х.Риттер, Л.Массигнон, Ж.С.Тримингэм, А.Шиммел, А.Зарринкуб, М.А.Жўшон. Однако их исследователи опирались в основном на произведения арабских и персидских авторов.⁴¹ В XIX – XX веках в российском востоковедении проявился особый интерес к личности и творчеству Алишера Навои. Русские востоковеды ММ.Никитский, В.Бартольд, Е.Бертельс, А.Кононов, А.Боровков, А.Семёнов, М.Салье, А.Якубовский, А.Болдырев осуществили значительные исследования в этом

⁴¹Қаранг:Хорижда тасаввуф таълимотининг ўрганилиши. Талқин ва таржималар муаллифи Қ.Исмоилов. – Тошкент: Mumtoz soʻz, 2008.

направлении.⁴² Однако попытка дать объективную оценку суфийско-мистическим взглядам Алишера Навои заметна только в исследованиях Е.Э.Бертельса.⁴³

Узбекское наваиеведение в советские годы поднялось на новый уровень, благодаря труду таких ученых как А.Саъдий, Ойбек, В.Зоҳидов, В.Абдуллаев, И.Султон, Н.Маллаев, А.Каюмов, С.Ганиева, А.Хайитметов, А.Абдуғафуров, А.Рустамов, Ё.Исхоков. Однако мистическая сущность творчества Навои не получила объективной и достаточной оценки⁴⁴. Попытки проф. А.Саъдий⁴⁵ в этом отношении, согласно идеологии того периода были подвергнуты критике литературоведом О.Шарафуддиновым.⁴⁶ Хотя в монографии В.Зоҳидова "Сердце творчества великого поэта" в отличие от других авторов более широко отражено отношение Навои к тасаввуфу, но многие взгляды в ней "выражены под влиянием социалистической идеологии, более направленной на то, чтобы отдалить Навои от тасаввуфа, идеализма и приблизить к материализму".⁴⁷

В узбекском литературоведении в определенной степени высказывались мнения о научных и просветительских взглядах на суфизм и суфийскую литературу, ее художественном осмыслении в узбекской классической литературе. В годы независимости возник ряд исследований в этой области науки. В частности, примером этому могут служить произведения и научные исследования таких ученых-литературоведов как Б.Валихужаев, А.Хайитметов, Н.Комилов, Р.Воҳидов, Х.Неъматов, М.Махмудов, И.Хаккулов, С.Хасанов, Х.Қудратиллаев, М.Мухиддинов, М.Имомназаров, А.Қуронбеков, С.Хасанов, А.Абдуқодиров, Д.Салохий, Н.Жабборов, С.Олимов, Н.Жумахужаев, Ш.Сирожиддинов, Ш.Хайитов, К.Муллахужаева, У.Кобилов, У.Журакулов, Д.Юсупова, Х.Эшонкулов, Н.Бекова, М.Ражабова, Н.Бозорова, З.Мамадалиева, З.Амонова, О.Давлатов, М.Асадов, Р.Жумаев, З.Гаффорова.⁴⁸

⁴²Қаранг: Халлиева Г.И. XX аср рус шарқшунослигида ўзбек мумтоз адабиёти тадқиқи. Филол. фан. док. дисс. автореф. – Тошкент, 2016.

⁴³Бертельс Е.Э. Избранные труды: Навоий и Джами. – Москва: Наука, 1965; Суфизм и суфийская литература. – Москва: Наука, 1965.

